

**ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГ
ВА МАШҚЛАР
ТҮПЛАМИ**

**синф раҳбарлари ва амалиётчи
психологлар учун**



**РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙ
МОСЛАШУВИ МАРКАЗИ**



*Республика болалар
ижтимоий мослашуви
маркази*

Ф.А.Акрамова, Н.А.Исраилова, Т.Л. Хурвалиева

**ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГ ВА
МАШҚЛАР ТҮПЛАМИ
(синф раҳбарлари ва амалиётчи психологлар учун)**

**ТОШКЕНТ
“ИҚТИСОДИЁТ”
2014**

**УЎК 37.03
КБК 88.8 (5Ў)**

Тақризчилар:

1. Юлдашева Н.А. – педагогика ф.н., доцент, ТВПКҚТМОИ проректори.
2. Асланов И.Н. – психология ф.н., ТВПКҚТМОИ кафедра мудири.

Акрамова Ф.А., Исраилова Н.А., Хурвалиева Т.Л..

Ижтимоий-психологик тренинг ва машқлар түплами (синф раҳбарлари ва амалиётчи психологлар учун)./ Ф.А.Акрамова, Н.А.Исраилова, Т.Л.Хурвалиева – Т.: ИҚТИСОДИЁТ, 2014, 80 б.

Мазкур услубий қўлланма ҳозирги кун ва ҳар бир замон учун муҳим масала бўлган соғлом бола шахсини шакллантириш ишида боланинг ёшига доир психологик хусусиятларини билиш, боладаги коммуникатив, ташкилотчилик, интеллектуал, умумий қобилиятларини шакллантиришга қаратилган ижтимоий-психологик тренинг ва машқларни олиб бориш вазифасини ўз ичига олган. Китобда шунингдек, шахснинг қобилияти, темпераменти, характеристикини билиш орқали уни ривожлантиришнинг ички омилларига эътибор қаратиш мумкинлиги ёритиб берилган. Бу қўлланма амалиётчи психолог, педагог мутахассислар, синф раҳбарлари, талаба - ёшлар, ота-оналар, соғлом бола тарбиясига ўзини дахлдор деб ҳисоблаган барча-барчага мўлжаллангандир.

**УЎК 37.03
КБК 88.8 (5Ў)**

Қўлланма Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази илмий услубий кенгашининг 2014 йил 2-сонли 27 июндаги қарори асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-986-12-1

© Ф.А.Акрамова, Н.А.Исраилова, Т.Л. Хурвалиева, 2014

СОГЛОМ БОЛА ЙИЛИГА БАГИШЛАНАДИ

“Биз таянчимиз ва суюнчимиз, ғуурумиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб биламиз”.

“Биз соглом деганда нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соглом болани ўзимизга тасаввур этамиз”.

I.Каримов.

КИРИШ

Сир эмаски, Ватан тараққиёти, миллат истиқболи шу заминда вояга етаётган ўғил-қизлар камоли билан чамбарчас боғлиқ.

Муҳтарам Президентимиз томонидан 2014 йилни “Соғлом бола иили” деб эълон қилиниши барчамизнинг олдимизга ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш вазифасини қўйди.

Ўзбекистон Республикасининг “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да: “Қадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан илмий узлуксиз таълим бериш орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутади”¹ - деб таъкидланади.

Мамлакатимизда ёшларнинг маънавий қиёфасини мустақиллик мағкураси, унинг инсоний тамойиллари асосида шакллантиришга бош вазифа сифатида қаралаётгани бежис эмас. Юртбошимиз таъкидлаганлариdek: “Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндиғина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг событқадам ғайрат-шижоатига, тўлаттўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб этишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир”. Шу боисдан ҳам келажак воислари бўлмиш ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият, эътибор бериш, уларни жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида фаол иштирок этишларини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурч ва вазифалари ҳисобланади.

Жамиятимиз талаб этаётган ҳар томонлама етуқ, комил инсонни вояга етказища унинг ёшига оид психологик хусусиятларини билиш, ёшига мос равища унинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, зарур

¹ Қадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил. 29 август.

бўлганда коммуникатив, ташкилотчилик, лидерлик ва бошқа қобилиятларини шакллантиришнинг ўрни бекиёс бўлиб, бунда айниқса унинг бир қатор фазилатлари, хислатлари, қобилиятлари, харакери, темпераментини билган ҳолда таълим ва тарбия жараёнини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Буюк Суқрот ўз даврида “Ўз-ўзингни бил!” деган шиорни ўртага ташлаган бўлса, ҳозирги давр бу шиорни кенгайтириб : “Ўз ёнингдагиларни ва уларнинг сенга муносабатини ҳам бил！”, - тарзида қарашни ҳар қачонгидан долзарб қилиб қўйди. Айни шу муаммони ечишда таълим масканларида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари, ўқувчилар орасидаги мулоқот психологиясини билиш, айниқса, мулоқотнинг шахсга кўрсатадиган таъсирини билиш долзарб характерга эга. Чунки инсониятнинг тарихий, ижтимоий ва онтогенетик тараққиётининг ҳамма босқичларида бу ўзаро муносабатлар ўта муҳим муаммо бўлиб келган ва кейин ҳам шундай бўлиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида: “...Келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, ҳалқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиқкан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади”, - деб таъкидлаган. “Шунинг учун таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади”.

Юқорида келтирилган бу фикрлар биринчи навбатда келажакнинг бунёдкорлари бўлмиш ёш авлоднинг билим олиш, юқори малакали кадрлар бўлиб ўз юрти ва ҳалқига сидқидилдан меҳнат қилиш, озод юрт равнақи ва баҳт-саодати учун ҳалол меҳнат қилишга ўргатишни назарда тутади. Зоро, мустақиллик айнан фидоий, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрларнинг жамиятни бошқаришини тақозо этади.

Мазкур қўлланма ҳам мустақилликнинг бизга яратган чексиз имкониятларидан биридир. Чунки замонавий кадрлар олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири - малакали мутахассислар сифатида ўзлигини, ўз қобилияtlари, индивидуаллиги, шахсий фазилат ҳамда хислатларини билган тарзда ўз фаолиятини оқилона ташкил этиш ва иқтидорли касб соҳиби сифатида меҳнат қилишга ўргатишdir. Бу ўринда инсон руҳияти қонуниятларини ўрганувчи психология фанининг, шахсга таълим-тарбия беришнинг сир-асрорларини ўргатувчи педагогика фанининг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Ушбу қўлланма шахсга айнан педагогик-психологик жиҳатдан тузилган ижтимоий психологик тренинг ва машқлар орқали ўқувчиларни ўз устиларида ишлашлари, ўзларини шахс сифатида ривожлантиришларида коммуникатив, ташкилотчилик, интеллектуал ва бошқа қобилияtlарини қай тарзда шаклланишига ўқитувчи, синф раҳбари томонидан таъсир этиши мумкинлигини ўргатади, деб умид қиласидилар.

Муаллифлар

СИНФ РАҲБАРЛАРИ ВА АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАР ЎҚУВЧИ ЁШИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШИ КЕРАК?

Кичик мактаб ёши даври – мактабга мослашиш ва фаоллашиш давридир

Кичик мактаб ёши даврига 6–10 ёшли бошланғич (I–IV) синфларнинг ўқувчилари киради. Бола мактаб таълимига мактабда тарбияланаётганида тайёрланади. Бунда у мактаб учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади.

Боланинг мактаб таълимига мослашувчанлиги жараёни муҳим бўлиб, боланинг мактаб таълимига мослашганлиги ёки мослашмаганлигини инобатга олмаслик натижасида шахснинг айнан шу ёш даврида жуда кўп муаммолар юзага келиши мумкин. Бола хулқидаги тажовузкорлик, тез қўзғалувчанлик, жаҳлдорлик, ёки тескариси секинлик, депрессия, қўрқув, мактабга бориш истагининг йўқлиги ва бошқалар туфайли мактаб муҳитидаги таълим жараёни самарасиз бўлиши кузатилади. Бу боланинг мактабга мослашмаганлигини, унинг учун ўқув фаолияти кутиладиган натижа бермаслигини ва оқибатда болада турли даражада психологик, жисмоний ва ижтимоий муаммоларини юзага келишига олиб келади. Боланинг мактаб таълимига мослашмаганлиги натижасида унинг танасини ўсиши сусаяди, вазни камаяди. Болада жисмоний толиқиши, озиш, касалликка чалиниш даражасининг юқори синфдагиларга нисбатан икки ва ундан кўп мартаға ортиши каби бир қатор салбий холатлар намоён бўлади. Боланинг мактаб таълимига мослашмаганлиги шунингдек, унинг ўқув фаолиятида ҳам салбий кўринишларни намоён этади, яъни ўқув материалини ўзлаштира олмаслик, уялиш, ҳадиксираш, ўқитувчини уни тенгдошлари олдида камситиб гапиришидан, уялтиришидан қочиб дарсга кирмасликка бирор сабаб ёки баҳонани қидириш ва бошқалар.

Боланинг мактаб таълимига мослашганлиги натижасида ушбу асосий мезонлар кузатилади:

- бола саломатлигининг жисмоний, руҳий ва ижтимоий сақланганлиги;
- боланинг ўқувчилар ва ўқитувчилар билан контакт ўртана олиши;
- болада ўқув фаолияти ва ўзаро муносабатларда адекват хулқнинг шаклланиши;
- боланинг ўқув фаолияти кўникма ва малакаларини эгаллаши.

Анъанавий тарзда мактабга етукликнинг учта жабхаси ажратилади: интеллектуал, эмоционал ва ижтимоий. Интеллектуал етуклик деганда фондан фигурани ажратиб олиш, диққат концентрациясини ўз ичига олган дифференциаллашган идрок, ҳодисалар орасидаги асосий

боғлиқликларни тушуниш қобилиятида намоён бўладиган аналитик фикрлаш, мантикий эслаб қолиш малакаси, қўлнинг нозик ҳаракатлари ва сенсомотор координация назарда тутилади. Интеллектуал етилиш маълум



маънода бош мия тузилмалари функционал етилишини акс эттиради. Эмоционал етилиши асосан импульсив реакцияларни камайиши ва узок вақт давомида унчалик қизиқтирмаган топшириқни бажариш тушунилади. Ижтимоий етуклика эса боланинг ўз тенгдошлари билан муомала қилишга бўлган эҳтиёжи ва ўз хулқ-авторини

болалар гурӯҳи қонунларига бўйсундириши, ўқув вазиятида ўқувчи ролини бажариш қобилияти назарда тутилади.

Таълимга психологик тайёрлик деганда, боланинг объектив ва субъектив жиҳатдан мактаб талабига муносиблиги назарда тутилади. У мактаб таълимига аввал психологик жиҳатдан тайёрланади. Бинобарин, унинг психикаси билим олишга етарли даражада ривожланади. Шу ёшдаги бола идрокининг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзининг қизиқувчанлиги, дилкашлиги, хайриҳоҳлиги, ишонувчанлиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг яққоллиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёрланаётган болада диққат нисбатан узок, муддатли ва шартли баркарор бўлади. Бола диққатининг хусусиятлари ролли ва сюжетли ўйинларда, расм чизиш ва пластилиндан ўйинчоқлар тайёрлашда, ўзгалар нутқини идрок қилиш ва тушунишда, математик амалларни ечишда, ҳикоя тинглаш кўринади. Бола ўз диққатини муайян объектга йўналтириш, тўплаш, тақсимлаш буйича маълум даражада кўниkmaga эга бўлиб, ўз диққатини бошқариш ва керакли пайтда тўплашга интилади. Унинг хотираси маълумот ва ҳодисаларни пухта эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш имкониятига эга бўлади.

Кичик мактаб ёш даври учун хос бўлган баъзи психологик жиҳатлари орасида боланинг шахс сифатида шаклана бошлаш жараёни оиладан ташқарига чиқиб, кенг жамоа таъсири остига киради. Жамоа сифатида биринчи таъсир - ўқитувчилар жамоаси бўлса, иккинчи таъсир - синфдаги болалар жамоаси ҳисобланади. Бундан ташқари болага шу давргача нотаниш бўлган ўқув режаси асосида ўтилаётган дарслар хам катта таъсир кўрсатади. Бундай таъсирлар натижасида болада турли хил ижтимоий-психологик ўзгаришлар юзага кела бошлайди ва боланинг ҳар тарафлама шаклланиши кузатилади.

Боланинг кичик мактаб ёш даврида ақлий жиҳатдан ривожланиши учун асосий омиллар қуидагилардан иборат бўлади:

- Боланинг ўқиши - чунки бола авваллари билмаган нарсалари айнан унга ўтилаётган фанлар орқали била бошлайди.
- Боланинг меҳнат фаолияти билан банд бўлиши – болага ҳам оиласида, ҳам мактабда ўзига мос бўлган баъзи вазифалар топширила бошлайди. Бу эса унда масъулият ва жавобгарликни шакллантириш билан биргаликда ақлий жиҳатдан камолотига ҳам туртки бўла бошлайди.
- Боланинг атрофидагилар билан бўладиган мулоқот жиҳатлари ва мазмунини кенгайтириш - чунки бола атрофдагилар билан муносабат ва мулоқотга киришар экан, улардан ўзи учун зарур бўлган жуда кўп нарсаларни ўргана бошлайди. Бу эса унинг ақлий тараққиёти учун жуда мухимдир. Айникса, боланинг катталари билан бўладиган мулоқоти натижасида унда катталарга нисбатан тақлид юзага келади, шунингдек катталар орасидан топган идеал образлари бола учун хилма-хил билимларини ўзлаштириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

- Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг атрофидаги катта ёшлилар — бобо ва бувилари, ота-онаси билан биргаликда ўқитувчи ва тарбиячилари ҳам боланинг мулоқотига киришувчанлигини ривожлантириш учун ҳамкорликда ҳаракат килишлари айни муддао бўлади.

Бу ёш даврида *ўйин фаолияти* ҳам ўзига хос характер кашф этади. Уларнинг мазмуни янги ўзлаштирилаётган ҳаётий тажриба, билимлар хисобига ўзгариб боради. Бола ўйнаш жараённида мактабда ўзлаштирган янги фанларидан, атроф-олам ва меҳнат дарсларида олган билимларидан кенг фойдалана бошлайди. Болаларнинг гурух, жамоа бўлиб ўйнайдиган ўйинлари ҳам аста-секинлик билан интеллектуаллашиб боради. Шунинг учун ҳам бу даврда кичик мактаб ёшидаги болаларга нафакат уйда, балки мактабда ҳам ривожлантирувчи ўйинлар билан банд бўлиши учун етарлича вакт ажратиш мухим аҳамиятга эга. Бу даврда ўйин фаолияти, етакчи фаолият сифатида бола учун ўқиш фаолиятидан кейинги иккинчи ўринни эгаллаган бўлади ва унинг ривожланишида ҳал қилувчи роль үйнайди. Бола ўйин фаолияти давомида ҳам бевосита атрофдагилар билан мулоқотга кириш кўнимасини эгаллаш билан бирга ақлий жиҳатдан ҳам ривожланиб боради.

Аксарият мактабларда синф хоналарнинг ёки ўқитувчиларнинг етишмаслиги каби баъзи «сабаблар» билан кичик мактаб ёшидаги болалар кунига 2-3 соатдан ўқиганларидан сўнг уйга қайтариб юборилади. Улар билан керакли ривожлантирувчи ўйинлар, машғулотлар ўтказилмайди. Бу вақтда бола ривожланишида бой берилган имкониятларнинг ўрнини қоплаш учун, кейинчалик ҳаддан ташқари кўп

вақт, күч қувват керак бўлади ёки бу даврда бой берилган имкониятлар кейинчалик мутлақо тикланмаслиги мумкин.

Биринчи синф ўқувчиси қўпинча яққол образли хотирага суюниб билиш фаолиятини ташкил этса ҳам, бу хотиранинг бошқа турларини инкор қилмайди, аксинча, таълим сўз—мантиқ хотирасини тақозо этади. Тажрибадан маълумки, бола маъносиз сўзлардан кўра маънодор тушунчаларни бирмунча тез ва мустаҳкам эслаб қолиш хусусиятига эга. Унинг нутқи катталар билан мулоқотга киришиш, кишиларнинг фикрини уқиб олиш ва тўғри идрок қилиш даражасида, нутқининг тузилиши эса грамматика қоидаларига мос, мантиқан изчил, ифодали, миқдор ва кўлам жиҳатдан фикр алмашишга етарли бўлади. У эшитган ва кўрганлари тўғрисидаги маълумотларни тушуна олади. Ўзидаги ахборотларни муайян тартибда баён қила билади, ақлий фаолият операцияларидан ўринли фойдаланади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим хусусиятларидан бири улардаги ўқитувчи шахсига ишонч ҳисси ва юксак эҳтиромдир. Шунинг учун ҳам ўқитувчнинг болага тарбиявий таъсир кўрсатиш имконияти жуда каттадир. Бола ўқитувчини ақлу идрок соҳиби, зийрак, сезгир, меҳрибон инсон деб билади.

Ўсмирлик давридаги ўқувчилар психологиясини ўрганамиз

Ўсмирлик даври инсонни болаликдан - ёшликка ўтувчи ва ўз навбатида бошқа даврлардан ўзининг нисбатан кескинроқ, мураккаброқ кечиши билан фарқланиб турувчи даврdir. Бу давр тахминан болаларнинг 5-8-синфларда ўқиш пайтларига тўғри келади ва 11-12 ёшдан 14-15 ёшгacha бўлган давр оралиғида кечади. Айрим болаларда бу давр 1-2 йил эртароқ ёки кечроқ кузатилиши ҳам мумкин.

Ўсмирлик даврини «ўтиш даври», «оғир давр», «инқироз даври» каби номлар билан аталади. Бу даврнинг «оғирлиги», «кескинлиги», «мураккаблиги» нималар билан асосланади?

Ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу даврда ривожланишининг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва шу кабиларнинг мазмун моҳияти ҳам ўзгаради. Бу даврда ўсмир ҳаётида, унинг руҳияти, организмининг физиологик ҳолатларида, унинг ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият ҳолатларда уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил анъаналар кузатилади. Бу даврга келиб бола энди «бола» эмас ва шу билан бирга ҳали «катта» ҳам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер кашф этиб боради. Унинг қизиқишилари тизими, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-

ўзини англаши, баҳолаши, қадриятлари ўзгаради. Унинг учун ўз «мен»и ва шу «мен»нинг аҳамияти ортади.

Ўсмирлик болалиқдан балоғатта етиш орасидаги ўтиш босқичи ҳисобланади. Бунда жисмоний ривожланиш ва руҳий ривожланиш жараёнлари юз беради, бу жараёнлар ўсмирнинг характер хусусиятларига ўзини таъсирини кўрсатади ва характер шаклланади. Бу ёшда кучли ҳис туйғулар ва ғайрат жўшқинлашиб, ўғил қизлар тезда бир қарорга келадиган ва уни ижро этадиган бўладилар. Уларда ҳиссиётга берилувчанлик юқори даражада ифодаланган, кучли ёқтиришга муҳтожлик кимдир томонидан англаниш, танишлардан қаҳрамонлар ясашга интилиш каби сифатлар намоён бўлади. Аксарият ўғил қизларда мустақилликка интилиш, ўз сўзларини бошқаларга ўтказишга характер қилиш каби хусусиятлар кўринади. Оқибатда улар катталарга нисбатан танқид қўзи билан қарашга ва ўзларини намоён қилишга мойил бўладилар. Чунки, танадаги жисмоний ўсиш унинг психологик хусусиятларида ҳам намоён бўлади. Бу ёшда ўсмир ўғил қизлар ўзларини катта ҳис қилгандари билан ҳали улар катта одам бўлганлари йўқ, лекин ўзларини «бола» деб ҳам ҳисобламайдилар. Ўсмирлик давридаги ўғил-қизларда қуидагилар намоён булади:

- мустақил бўлиш
- атрофдагилар билан янги муносабатлар қарор топтириш
- келажакка мақсадлар қўйиш
- жинсий етилишга мослашиш ва ўз ўрнини топиш
- шахсий қарашлари ва фикрларини ифодалаш
- ўзини шахс туйғусини ривожлантириш.

Шу кўрсатиб ўтилган хусусиятлар уларда ўзига хослик шаклланаётганлигини билдиради.

Ўсмирнинг юриш-туриши ўзгаради ва бошқаларга қараб ўзидаги камчиликларни тузата бошлайди. Болалиқдан ўсмирлик даврига ўтиш бу даврдаги ривожланишнинг асосини ташкил этади. Одамнинг хулқатворида сифат жихатидан янги хусусиятлар юзага келиб, ўз-ўзини англаш, катталар ҳамда ўртоқлари билан муносабатларда катталарга хос хусусиятлар шаклланади.

Ўсмирлик даврида ўғил-қизлар билан мулоқот ва муносабатда ўз камчиликлари ва яхши хусусиятларини англай борадилар. Ўқувчи ўз-ўзига баҳо бериш, ўзини бошқаларга таққослаш, ўзига бир намуна топиб, унга ўхшашга ҳаракат қиласи ва ўз-ўзини тарбиялашга уринади. Чунки мақсадга эришиш мушкуллигини ўсмир фақат ташқи мухитдан (ўқиши зарурлиги, катталарнинг талабларига бўйсуниш кераклиги ва бошқалардан) кўрмайди, балки ўз табиатидан жой олган тўсқинликлардан деб ҳам билади.

Ўсмирик даврида ахлоқга оид аниқ тушунчалар ва ҳатти-ҳаракат қоидалари шаклланиб боради, руҳий ривожланиш ниҳоятда мураккаб ҳамда муҳим босқич ҳисобланади. Ахлоқнинг қарор топиши ёшга, ривожланишнинг умумий қонуниятларига боғлиқ бўлибгина қолмасдан, балки таълим-тарбия ҳамда бошқа шакллардаги муаммолар ва ақлий ривожланиш жараёнида ижтимоий муҳит юзага келтирган шахсий хусусиятларга ҳам боғлиқ бўлади.

Ўз-ўзини англашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири жинсга мансубликни англашдир. Жинслар ўртасидаги руҳий тафовут одам умрининг ҳеч бир босқичида худди ўсмирик ва ёшлик давридагидек кучли бўлмайди. Ишқий кечинмалар ва севги-муҳаббат ҳислари ўсмирик давридаги ўғил-қизлар олдига мураккаб маънавий масалаларни кўндаланг қўяди. Бундай пайтда улар катталарнинг кўмаги ва маслаҳатларига жуда жуда муҳтоҷ бўладилар. Шунинг учун бу даврда ўсмирлар учун уларнинг ҳис-туйғуларини тўғри тушунадиган катта одам керак. Бу одам агар психолог мутахассис бўлса яна ҳам яхши, психолог ўсмирга уни ташвишлантираётган масалаларни тушунтириб бериши ва ёшига оид маслаҳатларни вақтида бера олиши, ўсмир шахсининг хар томонлама камолга етиб боришида кўмакдош бўлиши керак.

Албатта, ҳар бир одам тенгдошлари орасида тезроқ тан олинишни, тезроқ обрўга эга бўлишни, тезроқ ўзини кўрсатишни истайди. Лекин ҳамма ҳам бир хил тарзда ривожланмайди, шунинг учун хафа бўлмай шошмасдан жисмоний ривожланиш босқичларини ўзидан-ўзи кечишини билиш ва бу жараён табиий эканлигини англаш керак.

Ўсмирик даври инсоннинг болаликдан ёшликка ўтувчи ва ўз навбатида бошқа даврлардан ўзининг нисбатан кескинроқ, мураккаброқ кечиши билан фарқланиб туради. Бу даврнинг мураккаблиги ундаги физиологик ўсиш, психологик ўзгариш хусусиятлари билан боғлиқ. Бу даврга келиб бола энди «бола» эмас, шу билан бирга «катта» ҳам эмас.

Катта одам мустақил бўлиши, ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиши керак. Шундай ҳис қилиш туфайли ўсмирлар ҳам ўз муаммоларини ўзлари ҳал қилишга интиладилар. Энди ўсмир ўз муаммоларига ота-онасини аралаштиришни хоҳламайди, бу эса ўзига хос алоҳидаликка интилиш аломати ҳисобланади. Яна бир хусусият шуки, ўсмирлар иложи борича ўз хонасида ёлғиз қолишни, ўз фикр-ҳаёллари билан банд бўлишни, сухбатлашган тақдирда ҳам ўз тенгдошлари, яқин ўртоқлари билан мулоқотга интилади. Бу холат эса психологияда маконий автономия дейилади.

Танадаги, организмдаги бўлаётган ўзгаришлар ўсмир характерида турли хусусиятлар намоён бўлишига сабаб бўлади: улар таъсирланувчан, кўрс, жizzаки, сал нарсага хафалик билдирадиган бўлади. Шунингдек:

ўзига бино қўйиш, ўз шахсиятини бошқалардан устун қўйиш, унга айтилмаган арзимаган ножўя гап ҳам салбий кечинмаларга асос бўлиши мумкин. Айниқса, қизлар асабий, сержахл, йиғлоқи бўлиб қоладилар.

Болалик даврида тенгдошлар ва бошқалар билан бўладиган муносабатда низо-тортишувлар юзага келса, бола атрофидагилардан далдани, қўллаб-қувватлашни кутади. Агар ўз вақтида шу далдани олса, ўзини эркин, тетик ҳис этади. Чунки атрофдагилар унинг ёнини олгани унга куч беради. Ўсмирлик даврида эса ўз муаммоларини ўзи ҳал этишга, ота-онани ўз муаммоларига аралаштираслик унга хос, яъни ўсмирлар кўпроқ алоҳидаликни хоҳлайдилар.

Ўсмирлик даврининг характерли хусусиятларидан яна бири - бу даврда ўсмирларда кузатиладиган ўсмирлик автономияси ҳолатидир. Ўсмирлик автономиясининг ҳуқуқий автономия, эмоционал автономия, маконий автономия каби турлари фарқланади.

Ўсмирлик даврида бола ўз ҳаётини, хавфсизлигини таъминлаш борасида нисбатан мустақилликка эришади. Энди у ўзини ўзи ҳимоя қила олиши, лозим бўлса ўзи ўз имкониятлари даражасида меҳнат қилиб, етарли даражада даромад қилиши, ўз эҳтиёжларини мустақил равища ўзи қондира олиши мумкин бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқий автономия айни вақтда бола ўсмирлик ёшига етиши билан унга қатор ҳуқуқий имкониятлар берилиши билан характерланади. Бу даврда бола юридик шахс ҳисобланиб, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Мабодо бу даврда ўсмир ота-онаси ажralиб кетгудек бўлса, бу ҳолатда ўсмирнинг қаерда ва ким билан қолиши бола хоҳишига қараб ҳал этилади. Шунингдек бола бу даврда ўз имкониятидан келиб чиқсан ҳолда расмий равища жисмоний меҳнат билан шуғулланиши ҳам мумкин. Лозим бўлса улардан ўз хатти-ҳаракати, қиликлари учун жавоб бериши ҳам талаб қилинади. Шу каби ҳуқуқий имкониятларга эга бўлиш ва бундан ўсмирнинг хабардорлиги унинг ҳуқуқий автономиясининг юзага келишини таъминлайди. Бундай автономияга эга бўлиш ўсмирда ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик, масъулиятлилик ҳиссини юзага келтиради.

Ўсмирлик автономияларидан яна бири - эмоционал автономиядир. Маълумки бола дунёга келган ондан бошлаб у онаси ва атрофидагиларнинг эмоционал, ҳиссий қўллаб-қувватлашига, меҳр-муҳаббатини намоён қилишига, эркалашига эҳтиёж ҳис қиласи. Шунинг учун ҳам илк болалик ёшидаги, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларни суюб, эркалаб уларни қучиб, бошини силаб, ёқимли гаплар ва муомала билан уларга ҳиссий яқинлик намоён қилинса, улар бундан қувониб, хурсанд бўладилар ва эркалаётган шахсга нисбатан талпинадилар. Буни ёш болаларнинг онасига суйкалиши, уларнинг

пинжига суқилиши, уларга эркаланиши ҳолларида кузатишимиз мумкин. Шунингдек, болалар ўз тенгдошлари билан бўладиган ўзаро муносабатларида низо-тортишувларга дуч келганида ва айниқса тенгдошларидан «жабрланганда», «енгила бошлаганидан», ота-онасидан ва атрофидаги яқинларидан эмоционал далда, ҳиссий қўллаб-қувватлаш кутади ва бу борада уларга мурожаат қилади. Агар ўз вақтида шу ҳиссий далдани ола олса, ўзини эркин, тетик, ғолиб ҳис қилади ва улар билан қувониб юради. Ўзининг кичкинагина ҳаётида дуч келган «муаммолари»ни ҳал қилишда катталар ёрдамига муҳтожликни ҳис қилади, улардан мунтазам фойдаланишга интилади.

Ўсмирлик даврида эса аксинча, ўсмир энди «ёш бола» эмас, энди у «катта одам» катта одам эса мустақил бўлиши, ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиши керак. Бу даврда катталар ёрдамига мурожаат қилиш тенгдошлар томонидан қораланади. Ва буни ўсмирнинг ўзи ҳам хоҳламайди. Бу даврда ўсмирларга катталар томонидан олдингидек кўрсатиладиган илтифот, эркалашлар эриш туюлади. Энди улар ўзларини эркалаб, силаб сийпашларини, «арзимаган нарсалар» учун катталар томонидан билдириладиган олқишлиарни «ёқтирмайди». Энди улар атрофдагиларни ҳиссий қўллаб-қувватлашларидан ҳолироқ бўлишга, ўз муаммоларини ўзлари шахсан ҳал қилишга интиладилар. Олдинлари кўчада, боғчада, мактабда юз берган воқеалар ҳакида уйидагиларга шикоят қилиб ота-онасидан ёрдам сўраган бўлсалар, энди оиласдан ташқарида биронтасидан дакки эшитиб, калтак еб келган тақдирда ҳам бу ҳақда ота-онаси билдирмасликка ҳаракат қилади ва имкон қадар ота-оналарини унинг «ишларига» аралашмасликларини хоҳлайди. Буларнинг барчаси ўсмирларда бевосита кузатиладиган эмоционал автономиянинг таъсиридир.

Ўсмирларда кузатиладиган автономия ҳолатининг яна бири маконий автономиядир. Бунга кўра ўсмирлар имкон қадар ўз хонасида ёлғиз қолишга, бирон бир ишни бажараётган ёки бирон бир жойда бўлган вақтларида имкон қадар ёлғиз бўлишга айниқса ўз ота-онаси, оила аъзолари назаридан четроқда бўлишга, ўз ўй ҳаёллари билан машғул бўлиб вақт ўтказишга интилиб қолади. Суҳбатлашса ҳам асосан ўз тенгдошлари, яқин ўртоқлари билангина мулоқотда бўлиб ўз ота-онаси билан имкон қадар камроқ мулоқотда бўлишга интилиб ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Айни вақтда ўсмирда кузатилаётган бу ҳодисаларнинг асл сабабини тушунмаган айрим ота-оналар уларнинг бундай ҳолатидан хавотирланиб, улар билан олдингига қараганда қўпроқ қизиқиб қоладилар. Бошқача қилиб айтганда уларнинг автономиясига «бостириб кирадилар». Буни эса ўсмирлар ёқтирмайди. Бундай ҳолатлар

ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро муносабатларида келишмовчиликлар, низоларнинг юзага келишига асос бўлиши мумкин.

Юқорида қисман тўхталиб ўтганимиздек, ўсмир руҳиятида кузатиладиган характерли хусусиятлардан бири уларнинг ўта таъсиrlанувчан, жizzаки, қўрс, сал нарсага хафа бўлиши унинг ҳиссий нотурғунлиги ифодасидир. Бундай ҳолатларнинг юзага келиш сабабларидан бири бевосита жинсий балоғатга етиш, ички секреция безлари, айниқса жинсий безлар вазифаларининг фаоллашуви ва шулар билан боғлиқ ҳолда ўсмир организмида рўй берадиган психофизиологик ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Маълумки, ўсмирлик даврида ўсмирнинг «мен»и қайтадан шаклана боради. Унинг атрофидагиларга айниқса ўз ўзига бўлган муносабати, қизиқишилари, қадриятлари йўналиши кескин ўзгаради. Унинг ўз шахсига бўлган эътибори кучаяди. Ўсмирлик даврида шахс эгоцентризми бошқа даврдагиларга қараганда энг юқори даражага етади. Бу даврда ўсмир ўз шахсиятини бошқалардан устун қўядиган, ўзига кўпроқ бино қўядиган бўлиб қолади. Шу даврда ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам шунчаки катталарга тақлид қилиб эмас, балки том маънода ўзининг ҳатти-ҳаракатини назорат қилиш, ўзининг юриш-туриши, кийиниши, ташқи кўринишига астойдил эътибор бериш, пардоз-андоз билан шуғулланиш каби ҳолатлар кузатилади. Бироқ бу даврдаги эндокрин системаси фаолияти, гипофиз, жинсий секреция безлари ажратиб чиқарадиган гармонлар таъсири остида ўсмир организмида ва тана тузилишида ўзгаришлар рўй беради. Унинг тана тузилиши пропорцияси бузилади (у нисбатан бесёнақайроқ бўлиб қолади), товушлари ўзгариб, дўриллаб қолади. Жинсий балоғатга етишнинг бошланиши билан юзларига ҳуснбузар чиқа бошлайди. Буларнинг барчаси ўсмир учун кутилмаган, унча хуш келмайдиган ҳолатлардир ва айнан ана шу ҳолат ўсмирнинг таъсиrlанувчанлигини, жizzакилигини ортишига олиб келади. Шу даврда ўсмирнинг ташқи кўриниши, шахсиятига оид билдирилган арзимаган ножӯя гап унинг учун жиддий салбий кечинмаларнинг юзага келишига асос бўлиши мумкин.

Илк ўспиринлик даври касбога йўллашдаги муҳим давр

Ёш даврлари психологиясида илк ўспиринлик даври 15-18 ёшларни қамраб олган мураккаб давр ҳисобланади. Мазкур даврдаги ёшлар ҳам жисмонан, ҳам маънавий ривожланишига, руҳий, ижтимоий, жисмоний жиҳатдан етуклика интилади. Илк ўспирин шахсининг ижтимоийлашуви ўқиш ва турмуш шароитидаги муҳит таъсирида, tengқурлари орасида юз беради. Ижтимоий ҳаёт тарзи, таълим-тарбия характеристининг ўзгариши йигит ва қизларда илмий дунёқарааш, эътиқоднинг шаклланишига, юксак инсоний ҳис-туйғуларнинг вужудга келишига, билим ва касб-ҳунарни ўзлаштиришга ижодий ёндашишнинг кўпайишига олиб келади.

Илк ўспиринлик ёш даврида шахс шаклланишида унинг тенгдошлари ва яқин дўстлари орасидаги шахслараро муносабатлар муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз тенгдоши билан бўлган муомалада бола руҳий ва ижтимоий ривожланади. Илк ўспиринларнинг муҳим хусусиятлардан бири - бу ёш даврида бир хил қизиқишлиар, машқлар, манфаатлар бирлиги асосида ўртоқлик ва дўстлик муносабатлари вужудга келади, чунки ўспирин учун дўстлик туйғуси психологик жиҳатдан ўз-ўзини англаш ва бошқа одамни тушунишга ёрдам беради. Шунинг учун илк ўспирин ҳаётида тенгдошлари билан бўлган муносабатда мураккаброқ жиҳатлар ҳам кузатила бошлайди. Бу даврга хос иккита хусусият, у ҳам бўлса, ўз тенгдошлари билан мулоқот қилишга эҳтиёжни ортиши билан боғлиқ мулоқотни кутиш ва шу мулоқотни қидириш ҳисобланади.

Мулоқотни кутиш – мураккаб ўзига хос ҳолат бўлиб, бунда йигит ва қиз шартли равишда қизиқарли ва муҳим, тақорорланмас учрашув ва мулоқотни кутади. Шу боис улар ўз атрофидагиларга диққат ва қизиқиш билан қарай бошлайдилар.

Турмушда ўз ўрнини топишига интилиш, касб-ҳунар эгаллаш, истиқбол режаларини тузиш, келажакка жиддий муносабатда бўлиш кераклигини талаб этади. Шунинг учун илк ўспиринлик даври жўшқин куч-ғайрат, шижаат, қаҳрамонлик кўрсатишига интилиш, ҳаётда эркин дунёқарааш ва мустақил фикрга эга бўлиш, жамият ва табиат ҳодисаларига романтик муносабатда бўлиш каби хусусиятлар билан бошқа ёш даврларидан кескин ажralиб туради.

Илк ўспиринларда ўз олдиларида ўз-ўзини англаш бошқа ёш даврларига нисбатан анча кучайганлиги яққол кўзга ташланади. Бу даврда уларда ўзининг руҳий дунёси, шахсий фазилатлари, ақл-заковати, қобилияти ва имкониятини аниқлашга интилиш кучаяди. Ўз хулқатворини жиловлаш, ҳис-туйғулари ва ички кечинмаларини тушуниш иштиёқи юзага кела бошлайди.

Илк ўспиринлик даврининг яна бир хусусияти – бу мураккаб ўзаро муносабатларда акс этувчи бурч; виждон хиссини англаш, ўз қадр-

қимматини эъзозлаш ва фахмлашга қўпроқ мойиллигидир. Илк ўспиринлик даврида ёшлар ўзида шахснинг энг қимматли фазилатларини, ўқув ва малакаларини онгли, режали, тартибли, изчил ва мунтазам равишда эгаллаб боришга эҳтиёж сезадилар. Шунинг учун улар ўзларини яхши фазилатларини ва хислатларни хосил қилишга ҳаракат қиласидилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, илк ўспиринлик давридаги қизларнинг катта ёшдаги кишилар таъсирига, илк ўспирин йигитларда эса катталардан кўра тенгдошлари таъсирига қўпроқ берилиши яққолроқ намоён бўлади. Романтика илк ўспиринлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Чунончи, улкан бунёдкорлик, орзу-умид, жўшқинлик, ёрқин ички кечинмалар шулар жумласидандир.

Илк ўспиринлик даври нафақат касб эгаллаш ва профессионал танлов учун мақбул давр бўлмай, балки бу давр ёшларнинг ўзлигини англаш, ўз қадр-қимматини билиш ва бошқаларга нисбатан муносабатда бўлиш тажрибасини эгаллаш даври ҳамдир.

Илк ўспирин психологиясининг ўзига хослиги шундаки, у ҳозирги пайтини, бугуни ва эртасини келажак нуқтаи назаридан, истиқболга назар билан қабул қиласиди. Айнан шу даврга келиб, ўспирин турли касб-хунарга қизиқа бошлайди, ўзининг келажакда ким бўлишини тасаввур қила бошлайди. Демак, ўз-ўзини профессионал жиҳатдан ажратиш, тасаввур қилиш илк ўспиринликнинг асосий хусусиятларидан бири экан.

Бирор аниқ касб-хунарни танлаш ва ўз фаолиятини шунга йўналтириш илк ўспирин шахси учун жуда катта аҳамиятга эга. Ана шундай танловнинг адекват ва тўғри бўлиши ўспириндаги билиш билан боғлиқ қизиқишилар ва профессионал йўналишининг шаклланишига боғлиқ бўлади. Ўспиринда қизиқишиларнинг шундай интеграцияси рўй берадики, улар аввало жинсий хусусиятлар ва шахсдаги индивидуал хусусиятлар билан боғлиқ холда ривожланади. Масалан, қизлар ва ўғил болалар ўзларига мос ва ярашадиган касб-хунарни танлай бошлайдилар. Кейинчалик илк ўспиринда қизиқишилар доираси торайиб, профессионал йўналиш шаклланиб бориши ва у касб танлаш билан якунланиши билан кузатилади.

Мазкур даврда ёшлар ҳам жисмоний, ҳам маънавий ривожланишда руҳий, ижтимоий, физиологик жиҳатдан етукликка интилади. Бу ёш даврида илк ўспирин шахснинг ижтимоий таъсиirlар олиши, ижтимоий роллар, касбий роллар ва оилавий ролларга мослашиши, ўзида эса аёллик, эркаклик сифатларини таркиб топтириши ўз тенгдошлари орасида ўқиш ва турмуш шароитидаги муҳит таъсирида юз бериши жараёни яққол ифодаланганилиги билан характерланади. Ижтимоий ҳаёт тарзи, фаолият шакли, таълим ва тарбиядаги ўзига хос усулларнинг қўлланилиши йигит ва қизларда илмий дунёқараш шаклланишига, характер хусусиятларининг

таркиб топишига, уларда ўзига хос равища ижтимоийлашув жараёни кечишига олиб келади.

Илк ўспиринлик давридагиларда бирор касб эгаси бўлиш ёки билим олиш истаги, истиқболли режалар тузиш, келажакка жиддий муносабатда бўлиш ҳамда шу билан бирга жўшқинлик, шижаот, ўзини кўрсатишга интилиш, ҳаётга эркин қараш, мустақил фикрлаш, жамият ва бўлаётган ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш каби бир қатор психологик хусусиятлар кузатилади. Бу психологик хусусиятлар эса уларда шахсий сифатлари орасида фемининлик (аёлларга хос) ва маскулинлик (эркакларга хос) белгиларини кўрсатиб беради ва бу орқали биз уларни келгуси оилавий ҳаётга муносиб этиб тарбиялаш имконига эга бўламиз.

Илк ўспиринлик даврининг яна бир хусусияти бу мураккаб шахслараро муносабатларда акс этувчи улардаги ижтимоий ролларни англаш, оилавий муносабатлардаги статусини қўра олиш, аёллик ва эркаклик фазилатларига ўзи томонидан баҳо бера олишга мойилликнинг кузатилишидир.

Илк ўспиринлик даврида ёшлар ўзларида яхши фазилатларни ва хислатларни ҳосил қилишга ҳаракат қиласидилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу даврдаги йигитларда ҳам қизларда ҳам ўз жинсига монанд хислатларни таркиб топтириш ҳоҳиши устун бўлади. Лекин бу ёшдаги қизларнинг катта ёшдагилар таъсирига берилиши, ўғил болаларда эса катталардан қўра ўз тенгдошлари таъсирига кўпроқ бўйсуниши кўзга яққол қўринади. Айниқса, қизлар келгусида оилада она, бека, аёл вазифаларига муносиб бўлишлари уларнинг шу даврда орттирган жуда кўплаб фазилатларига боғлиқдир. Бу фазилатларнинг орттирилиши ва шаклланишида уларга оила, мактаб, маҳалла муҳитида кўрсатиладиган йўриқномаларнинг, яъни установкаларнинг таъсири бекиёсдир.

Ўзининг юқори поғонасига қўтарилган қизиқишлиар илк ўспириннинг профессионал йўналиши ва тўғри касб-хунарни танлашига замин яратади. Улар шахсларга индивидуал-психологик хусусиятлар ва жинсий фарқлар билан боғлиқ бўлгани учун ҳам ўғил болалар кўпроқ техник ва иқтисодий йўналишларни, қизлар эса ижтимоий-гуманитар ва бадиий соҳалар билан боғлиқ касбларни танлайдилар.

Илк ўспиринларда ўзининг руҳий дунёси, шахсий фазилатлари, ақлзаковати, қобилияти ҳамда имкониятини аниқлашга интилиш кучаяди. Ўз хулқ-атворини жиловлаш, ҳис-туйғулари ҳамда ички кечинмаларини тушуниш иштиёқи юзага келади. Шунингдек уларда балоғатга етганлик туйғуси такомиллашиб бориб, ўз-ўзини қарор топтириш, ўз маънавий қиёфасини ифодалаш туйғусига ўсиб ўтади. Бу эса уларнинг алоҳида шахс эканлигини тан олишга интилишида ўз ифодасини топади. Бунинг

учун айрим ёшларда модаларга берилиш, мусиқа, касб-хунар, табиатга қизиқиши намоён бўла бошлайди.

Илк ўспирин ўз маънавияти ва руҳияти хусусиятларини тўлароқ тасаввур эта олса ҳам, уларга оқилона баҳо беришда қатор камчиликларга йўл қўяди, натижада у ўз хусусиятларига ортиқча баҳо бериб, манманлик, такаббурлик, кибраниш иллатига дучор бўлади. Бу эса ўз навбатида шахслараро муносабатларда низоларни ҳам келтириб чиқиши мумкин.

Илк ўспирин шахси ижтимоий ҳаётда, ўқув масканида, тенгдошлари билан шахслараро муносабатлар даврасидаги, ўқиши ва турмуш шароитидаги ўзгаришлар таъсири остида таркиб топа бошлайди. Турмушда ўз ўрнини топишга интилиш, касб-хунар эгаллаш, ихтисослик танлаш, истиқбол режаларини тузиш, келажакка жиддий муносабатда бўлишни тақозо этади. Бироқ бу давр жўшқин, куч-ғайрат, шижаат, қаҳрамонлик кўрсатишга интилиш, ҳаётда эркин дунёқарааш ва мустақил ҳаракат қилиш, жамоага, жамият ва табиат ходисаларига романтик муносабатда бўлиш каби хусусиятлар билан бошқа даврларни кескин ажралиб туради.

Илк ўспиринлик даврининг яна бир муҳим хусусияти – мураккаб муносабатларда акс этувчи бурч, виждон ҳиссини англаш, ўз қадр-қимматини эъзозлаш, сезиш ва фахмлашга кўпроқ мойиллигидир. Ўспириналар ўзида шахснинг энг қимматли фазилатларини, ўқув ва малакаларни онгли, режали, тартибли, изчил ва мунтазам ривожлантириб боришга интиладилар. Шунинг учун улар ўзларида муайян фазилатлар ва хислатларни таркиб топтиришга ҳаракат қиласидилар, ўз маънавий-психологик қиёфаларини шакллантиришга интиладилар. Бунинг учун ўзларига мос келадиган баркамол, ибрат намунаси, тимсолини қидирадилар.

Илк ўспириналарнинг қизиқишлиари, майллари, интилишилари, қобилиятлари, истеъоддлари асосида танланган касбларига тўғри йўналтириш ўспириналар учун катта ҳаётий масаладир, касб танлаш жараённида уларга ўқитувчилар ота-оналар, жамоатчилик ўз касбининг усталари, мураббийлар алоҳида эътибор беришлари керак. Кўп ҳолларда ilk ўспириналар катталарнинг маслаҳат ва тафсилларини ҳисобга олган ҳолда қатъий бир қарорга келишилари мумкин, чунки улар ўз ҳоҳишиларини ҳар томонлама асослаб бера оладилар.

Илк ўспирин қуйидаги хусусиятларга эга бўлсагина намунали ташкилотчи бўла олади дейишимиз мумкин:

- мулоқотга тез кириша оладиган;
- жамоат ишлари билан шуғуллана оладиган;
- ўз сўзида тура оладиган;
- янги жамоага тез мослаша оладиган;

- ўзи, ўртоқлари билан кечалар уюштира оладиган;
- ўз фикрини эркин баён эта оладиган;
- бошлаган ишини охирigача етказа оладиган;
- ўз-ўзига ишона оладиган;
- мустақил;
- маъсулиятли;
- муаммоли вазиятларга тўғри ечим топадиган;
- ижодий ташаббускорлик;
- ўртоқлари фикри билан ўртоқлаша оладиган;
- ўз-ўзини тўғри англай оладиган;
- фаол ўқишга ҳаракат қила оладиган;
- ҳамманинг эътиборида бўлишга интиладиган;
- ўз фикрини бошқалар томонидан қабул қилинишига ишона оладиган ва нотаниш давраларда ўзини тута оладиган.

ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ПСИХОЛОГИК МАШҚ ВА ТРЕНИНГЛАР



Психологик тренингнинг мақсади ва вазифалари

Тренингнинг асосий мақсади: шахсни психологик (рухий) озод қилиш, бунда табиий эркинликни ҳис этишни, ўз гуруҳида ва ундан ташқарида ўзаро муносабат ва алоқа ўрната олишдан иборат.

Тренинг- шахсда мавжуд бўлган ёки вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган билим, кўникма малакаларни ҳосил қилиш мақсадида баҳс-мунозара, ўйин ва машқлар орқали ўтказиладиган машғулотлар йиғиндисидир.

Ҳар қандай психологик тренингларни ташкил этиши қуйидаги босқичлардан ташкил топади.

1. Гуруҳни ташкил этиш ёки йиғиш босқичи.
2. Бошланғич босқич.
3. Ишни олиб бориш босқичи.
4. Якунлаш босқичи.

Энг муҳими гуруҳни ташкил қилиш босқичи бўлиб, бунда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш керак:

- Ҳар қандай тренингда (факат ногиронлар билан ўтказиладиган махсус тренингларни ҳисобга олмаганда) ташқи жисмоний дефектга эга бўлган ва психик ҳолатида бузилишлар бўлган кишилар иштирок этмаслиги лозим. Негаки, бундай ҳолатларда айнан ана шундай камчиликка эга бўлганларда акс таъсир бўлиши эҳтимоли кучлироқлиги ҳар қандай мутахассис учун тушунарли бўлса керак.

- гуруҳ аъзоларининг сони 8 тадан 12 тагача (баъзи ҳоллардагина 20 тагача) бўлгани маъқул.

- иштирокчиларнинг ёши иложи борича тахминан тенг бўлиши, яъни улар орасидаги фарқ 4-5 ёшни ташкил этиши мумкин (Алоҳида қайд этиш лозим, 45-50 ёшдан катталар учун тренинг жуда катта ва аҳамиятли таъсирга эга бўлмаслиги ва улар кутганчалик натижа бермаслиги ҳам мумкин).

- иштирокчилар орасида аёл ва эркаклар сони имкони борича тенг бўлиши керак.

Бундан ташқари яна қуидагиларга ҳам эътибор бериш лозим бўлади:

Тренингда муаммоси бир хил бўлган одамларни тўплаш керак. Тренинг иштирокчилари иложи борича бир-бирига нотаниш бўлишлари лозим. Тренинг ўтказиладиган хона албатта изоляцияланган бўлиши шарт, яъни ҳеч ким уларни безовта қилиши мумкин эмас ва улар ҳам бошқаларга ҳалақит бермасликлари керак.

МУЛОҚОТЧАНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТРЕНИНГЛАР

Интервью (30 дақиқа)

Мақсад: Ўқувчилар бир-бири билан танишиш ва бошқаларни эшлишига ўрганади.

Гурухларни жуфтларга бўлиш керак. Ҳар бир бола ёнида ўтирган ўртоғига ўзи ҳақида гапириб беради. Гапираётган одамнинг гапини бўлмасдан унинг ҳикоясини диққат билан эшлиши керак. Ҳикоя 5 дақиқадан ошмаслиги лозим. Психолог вақтни назорат қиласи. Барча диққат билан эшлишини ўрганганидан кейин гурух бирга йифилади. Ҳар бир бола ўзининг ҳамроҳини танишитиради, эслаб қолганларни айтиб беради.

“Мен бу....” (30 дақиқа)

Бу ўйин болалар ўртасида ишончли муҳит пайдо бўлгандан кейин ўтказилади.

Мақсад: болалар бир-бирларини яқиндан танийдилар, ўzlари ҳақида гапириб беришлари учун ёрдам берилади.

Материаллар: кичикроқ қофозлар, ҳар бир бола учун ручка ва тўғноғич. Ҳамма болаларга қофоз ва ручка тарқатилади. Ҳар бир бола 5 дақиқа давомида ўзини таърифловчи 10 та сўз ёки жумла ёзади. Ўзининг тавсифини ҳар бир бола қофозга ёзиб, кўкрагига қадаб олади. Маълум вақт ўтиб, болалар айвончада айланиб, бир-бирлари ҳақидаги тавсифларни ўқий бошлайдилар. Ҳамма ўқиб бўлгандан кейин, давра қуриб ўтирадилар, ким нимани эслаб қолса, ҳайратга солган, кулдирган бўлса шуларни муҳокама қиласи.

Копток (5 дақиқа)

Мақсад: Болалар исмини эслаб қолиш ва гуруҳдаги безовталикни тарқатиш.

Материаллар: коптокча.

Ҳамма болалар давра қуриб турадилар. Психолог бирор болага копток отади, бунда у ўзини ва коптокни отган боланинг исмини айтади. Ўйин иштирокчилари бир-бирларининг исмларини қайта-қайта сўраб эслаб қолгуналарича ва коптокни тез-тез оширгунларича давом этади.

“Барчанинг эътиборида”

Мақсад: муомаланинг вербал ва новербал воситаларини умумлаштириш. Муомаланинг турли воситаларини қўллаган ҳолда атрофдагиларнинг диққатини жамлаштириш малакасини шакллантириш.

Барча иштирокчилар айнан бир масалани атрофдагиларни жалб қилган ҳолда (албатта жисмоний куч ишлатмай) ҳал қилишлари керак. Сарфланадиган вақт: 15 дақиқа.

“Мен ким” (30 дақиқа)

Агар ўқувчилар бир-бирлари билан таниш бўлсалар танишув машқини ўтказиш шарт эмас. Бу ўйинда ҳар бир иштирокчига қалам ва А-4 қоғозни 4 бўлакка бўлиб, тарқатилади. Ҳар бир иштирокчи қоғозчага 5 дақиқа ичида ўзининг 10 та характеристикини яъни ўзи ҳақида сўз ёки ибора билан ифодалаб ёzáди, сўнгра кўкрагига тақиб олади. Ёзib бўлгач ўқувчилар давра бўйлаб айланиб бир-бирларини характеристларини ўқиб чиқадилар. Ўқиб бўлгач ўқувчилар давра бўлиб ўтирадилар ва бир-бирлари ҳақидаги айниқса уларни ажаблантирган сифатларни муҳокама қиласидилар.

Комплимент-энг яхши сўзлар айтиш (5 дақиқа)

Ўқувчилар жуфтликда ишлайдилар. Бир-бирларига энг яхши тилакларни билдирадилар. Масалан: “Бугун қўринишинг жуда чиройли.”, “Синфимиздаги энг аълочи ўқувчисан” “Мен учун қадрлисан” каби сўзларни ўртоғига айтади. Барча ўқувчи гапириб бўлгач машқ жараёнида ўқувчилар ўзларини қандай ҳис қилганликларини айтиб ўтадилар.

“Ролли ўйинлар баҳоси”

Мақсад: мuloқотчанлик установкаларини шакллантириш; ўз ҳолатини бошқариш қўнималарини таркиб топтириш.

Иштирокчилар уч гурухга бўлиниб: 1. Мен доимо сенга ачинаман. Ушбу ҳисдан қандай қутилсам экан? 2. Ўзимдан ўзим нафратланаман. Нима қилсам экан? 3. Менда кўпинча, айниқса, ҳозир тушкунлик ҳолати ҳукмронлик қиласиди. Уни қандай ўзгартирсам экан? – деган саволларга жавоб излайдилар. Сўнг гурухий мушоҳада давом этади. Сарфланадиган вақт 30 дақиқа.

«Қор йиғими»

Бошловчи кўрсатмасига биноан унинг ўнг ёки чап томонида турган иштирокчилардан биттаси ўз исмини айтади. Иккинчиси эса биринчи

иштирокчининг ва ўзининг исмини айтади. Учинчи иштирокчи эса биринчи, иккинчи иштирокчининг ва ўзининг исмини айтади. Шу тариқа охиригача давом этади. Охирги иштирокчи биринчи иштирокчидан бошлаб то гуруҳ аъзоларининг ҳаммасини ва ўзининг исмини айтади. Гуруҳ аъзоларининг бир-бири билан танишиши ана шу тарзда амалга ошади.

«Олма»

Қатнашувчилар давра қуриб ўтирадилар. Бошловчи «Менинг исмим... Мен ...ни яхши кўраман (хоҳлаган нарса ёки кишини айтиши мумкин)», - дейди ва олма (копток)ни бирон кишига қараб отади. Олма (копток)ни илиб олган иштирокчи ҳам ўз навбатида ўзини шундай таништиради ва коптокни бошқа иштирокчига узатади. Ўйин барча иштирокчилар ўзларини таништириб бўлгунларига қадар давом этади.

«Ислар – фазилатлар»

Бу ўйин гуруҳ иштирокчиларининг кайфиятини кўтариш, иштирокчилар ўзларини эркин ҳис қилишлари учун ташкил қилинади.

Ҳар бир иштирокчи бирон-бир исмнинг биринчи ҳарфи билан бошланадиган шахснинг ижобий характер хусусияти, киши фазилати номини айтиш лозим (Масалан, Рустам- ростгўйлик, Мурод — мардлик ва ҳоказо).

“Яқинлашув”

Мақсад: Мулоқотчанлик малакаларини шакллантириш; гуруҳни жипслаштириш. Барча иштирокчилар залда югурадилар ва тренернинг сигналига кўра, иккита ёки уттадан бўлиб гуруҳга бирлашадилар.

Сарфланадиган вақт 15 дақиқа.

“Муомалани ишончли муносабатлари”

Мақсад: Гуруҳ ичida ўзаро ишончли муносабатларни ўрнатишнинг бирдан-бир йўли “Сен” сўзи билан мурожаат қилишидадир. Агар “Сиз” сўзи маъқул келса гуруҳ қатнашчиларининг розилиги бўйича мурожаат қилишлари ихтиёрийдир, бинобарин қатнашувчилар тенг хукуқлидир.

“Навбат”

Машқ мақсади: Ўқувчиларда бевосита коммуникатив хулқ-атвор шаклларини ривожлантириш. Гуруҳдан 8 киши танлаб олинади, уларнинг бири бошловчи 7 киши дўкондагидек кетма-кет навбатда турари 8 киши дўконга навбатсиз киради. У мақсадига эришиши учун ҳар бир иштирокчи билан гаплашади. Навбатда турганлар уни харид қилишга қўймасликлари зарур. Бу вазият ўйналаётганда гуруҳдан бошқа аъзолари кузатувчи бўладилар, кейин умумий муҳокама ўтказилади. Навбатда турганларнинг ким “зўравонни” ўтказиб юборди, ким ўтишига йўл қўймади, қандай воситалар қўлланилгани (илтимос, қўрқитиш, зўрлик) муҳокома қиласди.

“Ролли ўйинлар баҳоси”

Мақсад: мулокотчанлик установкаларини шакллантириш; ўз ҳолатини бошқариш кўникмаларини таркиб топтириш.

Иштирокчилар уч гурухга бўлиниб: 1. Мен доимо сенга ачинаман. Ушбу ҳисдан қандай қутилсам экан? 2. Ўзимдан ўзим нафратланаман. Нима қилсам экан? 3. Менда кўпинча, айниқса, ҳозир тушкунлик ҳолати хукмронлик қиласди. Уни қандай ўзгартирсам экан? – деган саволларга жавоб излайдилар. Сўнг гуруҳий мушоҳада давом этади. Сарфланадиган вақт 30 дақиқа.

“Мақтov”

Мақсад: бир-бирларига нисбатан ижобий установкаларни мустаҳкамлаш. Бир иштирокчи доира ичида, атрофдагиларнинг барчаси фақат уни мақтайдилар. Сўнгра мақтov кимга қандай таъсир этганлиги муҳокама қилинади. Сарфланадиган вақт 15 дақиқа.

ЎҚУВЧИЛАРДА ХУЛҚ-АТВОР МЕЪЁРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАШҚЛАРИ

«Таъқиқланган мева»

Мақсад: Оилада, ўзбек маданий турмушида таъқиқланган хулқ-атвор ҳолатлари мотивларини аниқлаш.

Материаллар: Қути, «мумкин эмас» деб ёзилган иккита жадвал.

Ўйиннинг бориши: Ўйин 25 минутгача давом этади.

1. Бошловчи қутини хона ўртасига қўяди ва унинг икки томонига «мумкин эмас» деган ёзувларни қўяди, ушбу ёзув ҳамма қатнашчиларга кўриниб туриши керак.

Кутича кун бошланишиданоқ хона ўртасига қўйилгани маъқул, натижада иштирокчиларнинг қизиқиши ортади, ўйиннинг асосий қисмига ўтиш осонлашади. Бошловчи ўйин бошланишида иштирокчиларнинг қизиқишлигини ошириши мумкин («ҳа, энди, бир қизиқ нарса яширилганда», «Кейин кўрарсизлар», «Бир нарса бор-да» каби сўзлар билан), лекин қутига қарамаслик ҳақидаги таъқиқ ўз кучида туриши керак. Кўп ҳолларда баъзи болалар ўзларини тия олмай қути ичига қарашга уринишади ва таъқиқни бузишади. Сўнгра бошловчи ушбу машқ билан боғлиқ бўлган асосий қисмга ўтади ва гурухга қуидагича йўриқнома беради:

«Хона ўртасида кун бошиданоқ чиройли қути турибди, унинг хусусияти шундаки унинг ичига қараш мумкин эмас. Бу қутига нисбатан Сизда бирон қизиқиши уйғонган бўлса керак. Келинглар кимнинг ичида нима кечаетганлигини тахлил қилиб кўрайлик. Ўз кечинмаларингиз ҳақида айтиб беринглар”.

Бошловчи иштирокчилардан улар нега ўзини шу хилда тутганлигини сўрайди, уларнинг ҳаракатларидағи асосий сабабни аниқлашга ҳаракат қиласди. Таъқиқ ҳақидаги қоидани бузиш қанчалик қийин бўлганлиги ҳақида сўрайди, ўзини тийиб туриш осон ёки қийин кечганлиги ҳақида билишга ўринади.

Ўйин якуни сифатида одамлар нега таъқиқланган ҳатти-ҳаракатларни содир этишлари, оилавий ҳаётга зид бўлган ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишларининг сабаблари аниқланади. Ушбу якуний хулосалар кичик гурухларда ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

“Мен ўзимни яхши кўраман, чунки мен ...”

Мақсад: ўзини ўзи конструктив (ижобий) баҳолашни шакллантириш.

Ҳамма доира шаклида ўтириб, ўзининг энг ижобий хислатларини айтади. Сарфланадиган вақт 20 дақиқа.

“Ўзига ўзи хат ёзиш”

Мақсад:

- ўзига адекват (тўғри) муносабатни шакллантириш.

Иштирокчи ўзига ўзи хат ёзади. Унда ўзидаги мавжуд ижобий муносабатлар битилган бўлади. Ҳар бир хат ўқиб эшилтирилади ва муҳокама қилинади.

Сарфланадиган вақт 40 дақиқа.

“Ўзим ҳақимда”

Мақсад: атрофидагилардан ўзи ҳақидаги ахборотни олиш.

Иштирокчилар оилавий турмуш тарзи, дўстлари, қизиқишлири тўғрисида расм чизадилар ва уни муҳокама қиласдилар.

Сарфланадиган вақт 20 дақиқа.

“Аттракция”

Мақсад: ўзига адекват муносабатни шакллантириш; ўзини-ўзи қабул қилиш. Иштирокчилар ойнага қараб ўзларига хушомад қиласдилар, ўзларини-ўзлари мақтайдилар, энг яхши истакларни билдирадилар.

Сарфланадиган вақт 20 дақиқа.

“Мен ишонч билан ҳаракат қиласдилар эдим, агар...”

Мақсад: ишончли ҳатти-ҳаракатга ҳалақит берувчи тўсиқни йўқотиш.

Иштирокчилар гурухга ажралиб, “ишонч билан ҳаракат қилишларига ҳалақит берувчи тўсиқларни ёзиб чиқадилар ва уларнинг ҳар бирини муҳокама этадилар” Сарфланадиган вақт 30 дақиқа.

“Ўзимизни қандай тутамиз”

Мақсад: Турли хулқ ҳаракатларини кўриб чиқиш ва уларнинг мулоқотга тегишли ҳаракатларининг шаклланишига таъсирини аниқлаш.

Материаллар: тоза қофоз, ручка, қалам, З та суратли плакат ва уларга тааллуқли хулқ, ҳаракатларининг изохи.

Материалларни тайёрлаш: Ҳар бир плакатнинг чап томонига у ёки бу ҳулқ ҳаракатини кўрсатувчи тасвир туширилган қоғоз ёпиширилади. Расмнинг ёнида ушбу ҳулқнинг тавсифлари ёзилган.

Суст (пассив) ҳулқ:

- Ўз ҳукуқларингизни таъкидлаш учун ҳеч қандай ҳатти-ҳаракат қўлламаяпсиз.

- Ўзгаларни ўзингиздан юқори қўйяпсиз.

- Бошқаларнинг хоҳишига ён бераяпсиз.

- Сизни нимадир безовта қилса ҳам индамай турибсиз.

- Доимо узр сўраяпсиз.

Агрессив ҳулқ:

- Бошқаларни ҳеч қанча ўйламай ўз ҳукуқларингизни ҳимоя қиласиз.

- Ўзгалар устидан ҳукмронлик қилишга уринаяпсиз.

- Ўзгаларни унутиб фақат ўзингизни ўйлайсиз.

- Бошқалар ҳисобига ўз ҳукуқларингизга эришаяпсиз.

Ишончли ҳулқ.

- Ўзгалар ҳукуқини поймол қилмай ўз ҳукуқларингизни ҳимоя эта оласиз.

- Ўзингизни ва ўзгаларни ҳурмат қиласиз.

- Тинглашни ва гапиришни биласиз.

- Ҳам ижобий, ҳам салбий ҳиссиётларингизни айта оласиз.

- Ўзингизга ишонасиз, лекин ўзгаларни «ҳақоратламайсиз».

Ўйиннинг бориши: Ўйин 20 минут давом этади.

1. Кириш. Кўпинча ўзимизга ишонмаслигимиз бизни турли салбий кучларга қарши туролмаслигимизга олиб келади, натижада ҳар хил ножўя вазият ва ҳулқларнинг иштирокчисига айланиб қоламиз Ҳар хил салбий йўлларга кириб кетмаслик учун биз ўз ҳулк-атворимизни, унинг ички сабабларини яхши тушунишимиз, ҳатти-ҳаракатларимизни назорат қилишимиз, ҳиссиётларимизни бошқара олишимиз керак.

2. Синф учта кичик гуруҳларга бўлинади.

3. Ҳар бир кичик гуруҳга қўйидаги топшириқ берилади: кўрсатилган учта суратга асосланган ҳолда ҳар хил ҳулқ формаларининг ҳатти-ҳаракатлари, ички ҳолатлари ва нутқ ҳусусиятларини изоҳлаб беринг (гуруҳлар ишлаётган пайтда суратларга тааллуқли тавсифлар ёпиб қўйилади, суратлар эса очиқ қолади).

4. Ҳар бир гуруҳ томонидан тақдим этилган вариантларни муҳокама қилиш.

Сўнгра бошловчи плакатдаги тавсифларни ўқиб изоҳлайди. Бошловчилар ўз ҳатти-ҳаракатлари орқали ҳар хил ҳулқ моделларини мисол тариқасида кўргазмали намоён этишлари мумкин.

5. Иккала бошловчи иштирокида агрессив ва суст хулқ кўринишлари тасвирланади. Иштирокчилардан эса бошловчиларнинг харакатлари, имо-ишора ва сўзларини кузатган ҳолда ушбу хулқ кўринишларининг номларини тўғри топишлари сўралади.

Биринчи вазият: Агрессив ҳолатдаги бир киши иккинчи - суст ҳолатдаги ва ўзи яхши танимайдиган одамдан катта миқдордаги пулни қарз сўрайпти.

Иккинчи вазият: Агрессив ҳолатдаги бир киши иккинчи ўзига ишонган ва эътиroz билдираётган одамни спиртли ичимлик ичишга ундаяпти.

6. Иштирокчилар орасидан кўнгилли бир кимса чақирилади ва унга гурухдан сир тутилган ҳолда у ўйнаши лозим бўлган роль ва шу ролга тааллуқли вазият айтилади. Бошловчи бу вазиятда ўзига ишонган одамнинг ролини ўйнаса, гурухнинг бошқа аъзоси кўнгилли бўлиб агрессив хулқли кимсанинг ролини ўйнайди.

Шуниси аҳамиятлики, бошловчи иштирокчилар орасидан гурух лидерларини ва гурух аъзолари ёқтирамайдиган болаларни ажратабилиши, табиатдан агрессив ва суст хулқли иштирокчиларни аниқлаб олиши зарур. Бу ҳол кўнгиллиларни аниқлашда жуда муҳимдир - агрессив хулқли ўсмиirlарга суст ёки ўзига ишонган хулқли ролларни тақдим этган маъқул бўлса, суст хулқли ўсмиirlар ўзига ишонганларнинг ролини ўйнашсин.

Ўсмир ўзига берилган ролни муваффақиятли ижро этиши ёки ижро эта олмаслиги учалик муҳим эмас. Агар бу ролни яхши ижро эта олмаса ўзи ёки гурух бунинг сабабини муҳокама қилишлари мумкин, агарда рол яхши ижро этилса гурух аъзолари ушбу хулқ кўриниши қайси бирига тегишли эканлигини дарров билиб олишади.

7. Иштирокчилар тақдим этилаётган хулқ кўринишларини аниқлашади, ўз тахминларини изоҳлашади.

“Қадриятлар”

Мақсад: Шахсий қадриятлар иерархияси тузилиши муҳимлигипинг аҳамиятлилик даражасини ҳис қилиш ва англаш.

Машқ тинчлантирувчи, бир маромдаги мусиқа садолари остида бажарилиши зарур. Бунда матн ўқиётган бошловчи овозининг қандай оҳангда эканлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўйиннинг бориши:

Иштирокчиларга олтита варак тарқатилиб, мана шу қофозларга ўз ҳаётларидағи энг қадрли нарсаларни аҳамиятлилик даражасига кўра ёзиб чиқишилари сўралади. Кейин вараклар шундай аралаштириладики, энг қадрли нарса ёзилган варак охирида туриши керак. Бошловчи иштирокчиларга қандайдир ҳодиса рўй бериб, биринчи варакда ёзилган қадриятдан маҳрум бўлганликларини ҳис қилиб кўришларини таклиф

қилади. Сўнгра бошловчи иштирокчилардан шу қадрият ёзилган қоғозни ғижимлаб улоқтиришни ва ҳаётни ана шу қадриятсиз тасаввур қилиб кўришларини сўрайди.

Шу тариқа ҳар бир қадриятдан воз кечиб борилади. Шундан сўнг иштирокчиларга қадриятдан ажралаётган вактда қандай ҳиссиёт, қандай туйғуни ҳис қилганлигини эслаш таклиф қилади. Кейин бошловчи мўъжиза рўй бериб, қадриятларни бирма-бир қайтариш имконияти туғилганлигини эълон қилади ва ғижимланган қоғозларни бирма-бир қайтариб олади. Сўнг иштирокчилардан қадриятларнинг йўқотилган пайтдаги ҳолати ва ғижимланган қоғозларга ёзилган ҳолатини солишириб, йўқотилган пайтдаги қадриятларни ҳозир ҳам худди шундай қадр-қимматга эгами ёки йўқми эканлигини сўрайди. Агар гурух аъзолари қадриятларни аҳамиятига кўра ўринларини алмаштирган бўлса, буни ҳам баён қилишлари керак. Машғулот сўнгида бошловчи натижаларни муҳокама қилиб, хулосаларни баён этади.

Дикқат! Машғулот жараёнида иштирокчилар кучли руҳий кечинмаларни, зўриқишлиарни ҳис қилишлари мумкин. Шунинг учун машғулот ортиқча шовқин-суронсиз ўтишига, ортиқча овозлар бўлмаслигига, иштирокчиларнинг бир-бирига ҳалакит бермаслигига ва бегона одамларнинг хонага кирмаслигига эътибор бериш лозим. Шу билан бирга бошловчи ҳам иштирокчиларга дикқат-эътиборли бўлиши зарур.

“Мумкин эмас...”

Ўйиннинг бориши:

Гурух иккига бўлинади. Биринчи гурух ўз истак-ҳохишларини баён қилади, иккинчи гурух эса бунга рад жавобини бериши керак. 10 минутдан кейин гурухлар ўз ўринларини алмашадилар. Ўйин тахминан қуидагича бошланиши мумкин:

- Мен бугун кечқурун дискотекага бормоқчи эдим.
- Йўқ, мумкин эмас, кеч бўлиб қолади.

Ўйиндан сўнг ҳохишларни рад қилиш учун қўлланилган далиллар, уларнинг сабаблари ва мазмуни тахлил қилиб чиқилади. Бошловчи қуидагича хулоса қилса бўлади: «Асосли ва асоссиз рад этишлари бор. Кўпинча сизга баъзи тақиқлар асоссиздай туюлиши мумкин, бироқ уларда ҳам мақсад, мазмун борлигини инкор эта олмаймиз. Агар биз истагимиз нега рад этилаётганлигини англасан, тушунсан, бунга кўнишимиз осонроқ бўлади. Баъзан ўзимиз қилаётган ҳатти-ҳаракатларимиз, истагимиз ноўрин эканлигини ҳам англаб турдимиз. Бундай ҳолда тушунишимиз қийин бўлган кечинмаларни ҳис қиласиз».

“Ойна”

Мақсад: ўз танасининг “тилини” англашни ривожлантириш; рефлексия (идрок этиш) ва эмпатия (тушуниш, ҳис этиш)ни ривожлантириш.

Иштирокчилар “етакчи” ва “бошқарувчи” ролида. Етакчи танаси бўйлаб ҳаракатларни бажаради, бошқарувчи эса унинг ҳар бир ҳаракатини гўё “ойнадаги тимсоли” каби қайтаради. Сарфланадиган вақт 15 дақиқа.

ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

“Автобусда”

Мақсад: Ўқувчиларда муомала маданиятини шакллантириш, шахслараро муносабатларни ижобий ривожлантириш.

Иштирокчилардан бири автобусдаги безори ролини ўйнайди, қолганлар эса йўловчилар. Безори автобусдаги иккита ўриндиқни эгаллаб олиб, бирига ўзи ўтирибди, бирига эса магнитофонини қўйган. У ҳеч кимга жой бермоқчи эмас. Йўловчилардан ҳар бири безори билан тил топишиб унинг ёнига ўтиришга ҳаракат қилиб кўриши керак. Шарт шуки - мақсадга жанжалсиз эришиш лозим.

“Авлодлар ўртасидаги низо”

Мақсад: Ўқувчиларда муомала маданиятини шакллантириш, шахслараро муносабатларни ижобий ривожлантириш.

Бунда уч киши иштирок этади - йигит, қиз ва катта ёшли одам. Авлодлар ўртасида «Эҳ, ҳозирги ёшлар...» қабилида тақлид уюштирилади. Йигит ва қизнинг вазифаси эса имкон борича хушмуомалалик билан низодан қочиш. Ҳайъат аъзолари, яъни кузатувчилар ҳар бир ўқувчининг ҳаракатини баҳолаб боради.

“Орқадаги ёзувлар”

Иштирокчиларнинг орқаларига варақ маҳкамлаб қўйилади. Ҳамма иштирокчилар хонада хоҳлаган одамининг олдига бориб унинг орқасидаги қофозга бу одамнинг нимаси ўзига ёқишини ёзиши керак. Вазифани мукаммаллаштириш ҳам мумкин. Масалан, ўша одамда нимани ўзгартиришни хоҳлашини ёзиши мумкин. Сўнгра иштирокчилар давра бўйлаб бир-бирлари ҳақидаги маълумотларни ўқиб чиқадилар.

“Маълумотни сўзсиз узатиш”

Бу ўйинда бошловчи йўналтириб турувчи ролини бажаради. Бошловчи бу ўйинда ушбу йўриқномани беради: «Ҳозир бир киши хонадан ташқарига чиқиб туради, қолганлар эса унга қанақа маълумотни айтиш лозимлиги ҳақида келишиб олишади. Мен уни чақираман, шунда бутун гуруҳ имо-ишора, турли қилиқлар ва юз харакатлари билан унга шу маълумотни узатишга харакат қилишади. Чакирилган одамнинг вазифаси - гуруҳ унга айтмоқчи бўлган маълумотни англаб олишдан иборат».

Бошловчига эслатма: Одатда, ўсмирлар ўйин муҳитидан ножӯя хатти-харакатларни бажариш учун баҳона сифатида фойдаланишлари мумкин. Албатта, бу ўйинда ножӯя харакатлар бўлиши табиий, лекин кимки вазиятдан шўхлик ва ҳазил-хузул учун фойдаланмоқчи бўлса, уни ўйнаётган гуруҳининг ўзи тартибга келтириб қўйиши керак. Бу усулнинг муҳим таъсир кучига эгалигини ҳисобга олиб, уни жамоатчиликдан ҳоли ва шовқин кам бўлган маҳсус хоналарда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

“Икки қўллаб қўришиш”

Иштирокчиларнинг ҳаммаси доира шаклида ўтиришади. Қўллар бир-бирига бирлаштирилган бўлади. Иштирокчилар бирваракайига хоҳлаган томонидаги (чап ёки ўнг ёнидаги) кишига саломлашиш учун қўшқўллаб қўл узатади. Униси эса қўлларини ёнидагисига узатиши мумкин ва биринчи иштирокчига навбат етгунича шу ҳолда давом этади. Шундай қилиб бир нечта мос келмаслик ҳолати кузатилиши табиий. Ана шунда қанақанги қий-чув қўтарилишини қўрасиз!

Бу ўйинни бир неча бор такрорлаш нафас ростлаш ва тинчланиш учун фойдалидир.

“Азиз меҳмон ўйини”

Мақсад: а) шахснинг ва хусусан, протогонист (меҳмон) шахсининг гуруҳ томонидан ҳурмат қилинишини тасдиқлаш; б) гуруҳда одам билан муомала қилиш санъатини шакллантириш.

Бошловчи ўйиннинг моҳиятини қўйидагича тушунтиради: «Ҳозир бир киши ташқарига чиқиб, то уни чақирмагунимизча эшик орқасида кутиб туради. Қолганлардан 7 кишини биз ҳар бир ўйин қатнашчиларининг иштирокини ва хулқ-авторини баҳолаш учун (5 балли системада) ҳакам сифатида сайлаймиз. Вазифангиз нимадан иборатлигини билиб олинг: эшик ортидаги киши - бизнинг энг азиз меҳмонимиз. Тасаввур қилинг, у бизнинг республикамиз учун дўст мамлакат бўлган АҚШ давлатининг вакили бўлиб, Ўзбекистон ва Америка ўртасида мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш учун ташриф буюрган. Иштирокчилардан бири меҳмонни чақиради, шу билан бирга унга ҳамроҳлик ва таржимонлик ҳам қиласи. Қолган иштирокчиларнинг ҳар

бири меҳмон билан қўришишга, ундан ниманидир сўрашга, унга нималарнидир гапириб беришга харакат қилиши керак, чунки меҳмон зерикиб қолмаслиги керак. Ҳакам аъзоларининг вазифаси: қатнашчиларнинг иштирокини кузатиб бориб, кимда-ким меҳмон билан қуруқ, бетакаллуф, сохта, хушомадгўйларча ва одобсизларча муносабатда бўлса, уларнинг балларини туширишдан иборат. Одобсизлар ва баллари паст бўлганлар ўйиндан чиқарилади. Ҳакамлар ҳар бир иштирокчининг ўртacha баҳосига қараб, унинг ўзаро муносабатга киришиш қобилиятига баҳо берадилар».

Бошловчи ҳам иштирокчилар билан биргаликда ҳакам аъзоларини, ҳамроҳлик қилувчи (таржимон)ни ва «меҳмон»ни танлайди. Ҳамроҳлик қилувчи хонадан чиқиб кетади ва бир оз вақтдан сўнг «меҳмон»ни бошлаб киради. Иштирокчилар суст иштирокчини доира шаклида ўраб оладилар ва унинг атрофида ким қандай истаса шундайлигича ўтирадилар. У билан гаплашишнинг навбатма-навбатлиги шарт эмас, муҳими ҳар бир иштирокчи у билан муносабатга киришиши керак.

Олдиндан маълум бўлган кулгули нарсалар (меҳмон билан «чет тилида гаплашиш» ва мулоқотнинг одатланилмаган усули) ўйинга завқ бағишлайди, кулгу уйғотади, лекин таъкидланган жиддийлик йўқолмайди. Тажрибаларда кўринишича, протогонист билан мулоқотда бўлувчи шахслар ўз муносабатларида хазиломуз, кулгули ҳаракатларни ҳам қўллайдилар. Бунда иштирокчилар, ҳатто ҳакамлар томонидан баллар камайтирилиши эҳтимолини ҳам унтиб қўядилар. Шундай вазият кузатилгандан, ўйин ниҳоясида бошловчи иштирокчиларнинг бу хил (ноўрин) ҳаракатларини енгилгина бўлса ҳам таъкидлаб ўтиши керак.

Меҳмон номига айтилаётган олқишлиар ҳақида олдиндан бошқотириб ўтириш шарт эмас, балки иштирокчилар буни ўйин жараёнида ўйлаб топишларига имконият яратиш керак.

АҲИЛЛАШТИРУВЧИ ЎЙИНЛАР

“Яrim оғиз сўз”

Мақсад: иштирокчилар доира бўлиб ўтирадилар. Уларнинг ҳар бири хурсанд ҳолда саломлашиш учун айтмоқчи бўлган сўзларининг ярмини айтадилар, қолганини эса ёнларидаги шериклари давом эттирадилар. Сарфланадиган вақт: 10 дақиқа.

“Ботқоқлик”

Бунинг учун картондан ясалган ўртacha катталикда «ликопчалар» керак бўлади. Уларнинг сони 9 та бўлиши керак. Гуруҳ аъзолари қатор бўлиб, бирин-кетин тарелкаларга оёқ қўйиб ботқоқликдан ўта бошлайдилар, атрофда эса (иккинчи гуруҳ аъзолари) қароқчи тимсоҳлар

юради. Тимсоҳлар тарелкаларни олиб қўйишга шай турадилар, мақсад ҳар бир гуруҳ аъзоси тарелкалардан оёқ узмаслиги, ҳеч бўлмаганда бир оёқнинг уни билан уларни босиб туриши керак. Агар гуруҳ аъзолари иттифоқ бўлиб ҳаракат қилсалар, мағлубиятсиз ботқоқликдан ўтадилар, биронта ликопчани тимсоҳга бермайдилар.

“Топинг-чи, бу ким?”

Бунинг учун ҳар бир иштирокчи шу гуруҳ аъзоларидан кимнингдир 10 тадан кам бўлмаган характер хусусиятларини қофозга ёзди, лекин ким ҳақда ёзганлигини, ҳатто ўғил ёки қиз болалигини ҳам ҳеч кимга айтмайди. Қолган иштирокчилар ёзилган характер хусусиятларига қараб гап ким ҳақда кетаётганлигини топишлари лозим. Агар гуруҳ гап ким ҳақида кетаётганлигини қанчалик тез топса, уни таърифлаган иштирокчи мохир одам сифатида рағбатлантирилади.

“Орқама-орқа”

Иштирокчилар хона бўйлаб ҳаракат қиласидар. Бошловчи тана аъзоларидан бирининг номини айтади, масалан, «орқа» дейди. Шунда иштирокчилар ўзларига жуфт топиб, бир-бирига суюнишлари керак. Ўзига шерик топа олмаган иштирокчи эса ўртага чиқади ва ўйинни давом эттириш учун бошқа тана аъзоларининг номини айтади (масалан қўл, оёқ, бош бармоқлар, елка ва ҳоказо).

“Ғарам, тепалик, сўқмоқ”

Иштирокчилар 6-10 кишилик гурухга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ аъзолари бир-бирларининг қўлларидан ушлаб, давра қурадилар. Ўйин иштирокчиларнинг ўнг томонга қараб айланиши билан бошланади. Бошловчи томонидан «Сўқмоқ» дейилганда иштирокчилар бир қатор бўлиб ўтириб олишлари керак. 'Ғарам» дейилганда ҳар бир гуруҳ 2 кичик гурухга бўлинади ва бир-бирига юзма-юз бўлиб, қўлларини бирлаштириб юқорига кўтарадилар. «Тепалик» дейилганда эса, иштирокчилар яна бир қатор бўладилар, бироқ бунда гурухдаги бир иштирокчи турса, иккинчиси ўтириб олади, натижада тепаликлар кўринишини акс эттирадилар. Вазифани бошқалардан олдин ва яхши бажарган гурухга 1 балл берилади. Шундай қилиб энг кўп балл жамғарган ғолиб деб топилади.

“Мақтов”

Мақсад: бир-бирларига нисбатан ижобий установкаларни мустаҳкамлаш. Бир иштирокчи доира ичида, атрофдагиларнинг барчаси фақат уни мақтайдилар. Сўнгра мақтов кимга қандай таъсир этганлиги муҳокама қилинади. Сарфланадиган вақт 15 дақиқа.

“Қаерга, қаерга”

Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири рақам билан номланади. Иштирокчилар ўз рақамларини эслаб қолишлари керак. Шундан сўнг улар аралашиб кетишади. Бошловчи ўртада туриб иккита сонни айтади. Шу рақамлар

билин номланган иштирокчилар «қаерга, қаерга» деб бир-бирларининг ўринлариға ўтиб олишлари зарур. Бошловчи ҳам бу орада очиқ қолган жойни эгаллашга уринади. Жойсиз қолган иштирокчи ўйинни давом эттиради.

“Ишонч паравози”

Барча иштирокчилар бир қаторга тизилишади. Биринчи иштирокчидан ташқари гурух аъзоларининг ҳаммаси кўзларини юмишади ва бир-бирларининг белидан ушлаб олишади. Биринчи иштирокчининг вазифаси — «паравоз»ни хона бўйлаб тўсиқлар (йўллар) орасидан олиб юриш, қолганлар эса олдиндаги иштирокчининг ҳаракатларига мос равища тўсиқлар орасидан уринмай-суринмай ўтишлари даркор.

“Ёмғир”

Иштирокчилар айлана кўринишида туриб олишади Бунда жимлик хукм суриши керак. Бошловчи ҳозир сиз ёмғир товушини эшитасиз, лекин бунинг учун менинг ҳаракатларимни тақрорлашингиз керак», — дейди. Бошловчи ўртада туриб ҳар бир иштирокчининг олдига келади ва унинг кўзига қараб, муайян ҳаракатларни бажариб кўрсатади. Ҳар бир иштирокчи токи бошловчи бутун даврани айланиб келиб бошқа ҳаракатни кўрсатмагунича шу ҳаракатни бажариб туриши зарур.

Ҳаракатлар:

- Кафтларни бир-бирига ишқалаш;
- Бармоқларни қирсиллатиш;
- Тиззаларни шапатилаш;
- Тиззаларни шапатилаб, оёқларни дўпиллатиш;
- Тиззаларни шапатилаш;
- Бармоқларни қирсиллатиш.

“Кўринмас совға”

Иштирокчилар давра қуриб олишади. Бошловчи қўлида нарсани ясаш мумкин бўлган кўринмас лой борлигини ва иштирокчилар ундан совға ясаб, ўнг томонидаги иштирокчига узатишлари лозимлигини айтади. Совға ясалади ва қабул қилиб олингач, яна бошқатдан совға ясалиб, навбатдаги иштирокчига тақдим этилади. Шу тариқа барча «совға» олмагунича бу ҳаракатлар тақрорланади. Ўйин охирида кимнинг нима совға қилгани ва сабаби сўралади.

“Яширин лидер”

Гурух аъзоларидан бири хонадан чиқиб туради. Қолганлардан бирини — «лидер»ни танлашади. Қолган иштирокчиларнинг вазифаси: лидер муайян ҳаракатларни бажарганда улар ҳам бу ҳаракатларни тақрорлаши керак. Хонадан чиқариб юборилган иштирокчини хонага таклиф

қиладилар, унинг вазифаси: «лидер» кимлигини аниқлаши керак. Агар тўғри топса, лидер билан ўрин алмашади.

“Дўстона ҳазил”

Мақсад: бир-бирига нисбатан ижобий установкаларни яратишни шакллантириш. Иштирокчилар гурух аъзоларини қувноқ расмларда ифодалайдилар. Сарфланадиган вақт: 15 дақиқа.

“Илтимос”

Мақсад: ўз илтимосини билдириш кўникмасини шакллантириш.

Иштирокчилар жуфтликларга бўлиниб бир-бирларидан оригиналлик, топқирлик, устиворлик ва хушмуомалалик билан бирон нарсани илтимос қиладилар. Сарфланадиган вақт: 15 дақиқа.

ГУРУХНИ ЖИПСЛАШТИРИШ УЧУН ЎЙИНЛАР

“Карниз”

Машқнинг мақсади: Ўқувчилар жамоасида ҳамкорлик, бир-бирига нисбатан очиқлик, ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш.

Гурух иштирокчилари бир-бирини орқасидан елкаларига тегиб ўтиради. Психолог бўр билан чизик чизади ва шундай ёзади: ”Бу чизик кўп қаватли уйнинг карнизи, туфлингиз бу карниздан чети, гуруҳимиздан бир киши” ҳоҳишига кўра пастга тушиб карнiz бўйлаб утириши зарур. Гуруҳнинг вазифаси унга ёрдамлашишdir қисқа гаплашиш, жисмоний алоқа туридаги қўллаб-қувватлашлар рухсат этилади. Муҳими карниздан ўтиш.

Бундай ўйин машқни бажарган иштирокчи ўз таассуротлари ҳақида фикр алмашади: йўлнинг қайси қисмида қўллаб-қувватланишни сезди, қаерда ўйин вазифасини бажариш қийин бўлди. Гурух иштирокчиларига нима учун қўллаб-қувватлаш муваффақиятли чиққани, бошқа гал нима учун самарасиз бўлганлиги ҳақида фикр алмашдилар.

“Орзулар” (20 дақиқа)

Мақсад: бирдамлик ва ўзаро тушунишни ривожлантириш: болалар ўртасида ўзаро ишонч муҳитини яратиш, гурухни жипслаштириш.

Материаллар: қоғоз ва маркерлар.

Психолог болаларга бир неча дақиқа ичида келажагини қандай тасаввур қилиши ҳақида ўйлашни таклиф қиласди. Психолог намуна сифатида ўзининг орзулари ҳақида гапириб беради, ҳатто қоғозда ёзиб кўрсатиши мумкин. Кейин ҳар бир бола 3 та аниқ ёрдам бера оладиган нарса, ҳаракат, одамларни ёзди ҳамда 3 та унга орзусини амалга оширишга ҳалақит берадиган нарсани ва орзусини амалга ошириш учун нима қилиш кераклигини кўрсатиш лозим.

Изоҳ: агар орзуларни айтишга ижодий ёндашилса, бу машқ жуда яхши ўтади. Агар болалар орзуларни гапириб беришга ёки чизишга қийналсалар, бу ҳақида саҳна кўринишида орзуларини намойиш этишлари мумкин. Болаларнинг ўзлари орзуларини қандай намойиш қилишларини ўйлаб кўрсинглар. Ижодий ёндашув асосида намойиш этиш оғзаки ёки ёзма равишдагидан жонли чиқади.

“Танишлар давраси” (10 дақиқа)

Мақсад: Болаларни жипслаштириш ва ўзларини эркин ҳис қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Материаллар: Талаб қилинмайди.

Болалар давра қуриб туришади. Болалардан биттаси давранинг марказига қараб бир қадам олдинга чиқади ва исмини айтади. Қандай ҳаракат ёки қилиқларга одатланганини кўрсатиб, жойига туради. Ҳамма болалар унинг ҳаракатларини аниқ кўрсатишлари керак. Шундай қилиб, ҳар бир бола ўзининг ҳаракати ва қилиқларини кўрсатади.

“Бўйма-бўй туринг” (15 дақиқа)

Мақсад: болалар ўртасидаги масофани йўқотиш ва уларни эркин ҳис қилдириш.

Материаллар: талаб қилинмайди. Болалар зич ҳолда давра қурадилар ва кўзларини юмадилар. Уларнинг вазифаси кўзларини юмган ҳолда бўйма-бўй туриш. Ҳамма болалар ўзларининг жойларини топганларидан кейин, кўзларини очиб нима бўлганини кўришга команда берилади. Машқдан кейин бу вазифани бажариш қандай кечганлиги сўралади. (болалар ўзларини қандай ҳис қилдилар).

Изоҳ: Бу ўйин бир нечта вариантларга эга (кўз очиқ ҳолда, соч рангларига, қўлларнинг иссиқлигига ва ҳ.к. қараб туриш мумкин).

“Адашиш” (15 дақиқа)

Мақсад: гурӯҳ кайфияти, бирдамлигини ошириш ва болаларни жипслаштириш.

Материаллар: талаб қилинмайди.

Болалар давра қуриб турадилар, давранинг марказига қараб ўнг қўлларини чўзадилар. Бошловчининг сигналига биноан ҳар бир ўйинчи "қўл қисишига" қараб ўзига шерик танлайди. Ўйинчилар сони жуфт бўлиши керак. Кейин ўйинчилар чап қўлларини чўзадилар ва худди шундай "қўл қисишига" қараб шерик танлайдилар. Кейин иштирокчилар адашиш учун яна давра қурадилар.

“Рангли кафтлар”

Мақсад: гурұхда хиссий қулайликни яратиши.

Тренер 3-хил (қизил сариқ ва күк) “рангли кафт”лардан бирини иштирокчиларга күрсатғанда, уларнинг ҳар бирига мос кўришиш (саломлашиш) ҳаракатлари билан жавоб қайтаришлари керак. Масалан қизил кафт - қўлни сиқиб, сариқ кафт - орқага қоқиб, күк кафт - елкани силаб. Иштирокчилар кўрсатмага биноан иложи борича кўпчилик билан кўришишга эришишлари керак. Сарфланадиган вақт: 20 дақика.

“Дикқат марказида”

Мақсад: ўз эмоционал ҳолатини назорат қилишга ўргатишни шакллантириши.

Иштирокчилардан бири доира ўртасида, қолган қатнашчилар эса уни нимадандир айблаб, койийдилар. Иштирокчи ўзининг эмоционал ҳолатини назорат қила билиши зарур. Машғулот давомида ҳар бир иштирокчи “дикқат марказида” бўлиши керак. Ўз ҳис-туйғулари ва уларнинг ифодаланиш даражасини қайд этиб борадилар. Сарфланадиган вақт: 30 дақика.

ЧАРЧОҚНИ ЁЗУВЧИ ЎЙИНЛАР

Бу ўйинлар иш жараёнида болаларни қўллаб-қувватлаш учун керак бўлади. Бундай ўйинлар болалар чарчаган вақтларида фаоллаштириш, “қиздириш”, уларда ҳаяжонли кайфият ҳосил қилиш, безовталиқдан халос қилиш учун ўтказилади. Одатда, бу машқлар жуда кўп фаол ҳаракатларни ўзида мужассамлаштиради: сакрашлар, бош, қўл ҳаракати ва бошқалар. Бу машқларда етакчи аниқ ҳаракат кўрсатади ёки алоҳида сўзлар айтади. Болаларнинг вазифаси –бошловчининг ҳаракатларини қайтариш керак.

“Бўш стул” (15 дақиқа)

Болалар биринчи ва иккинчи рақамларга бўлинадилар. “Бир” рақамли иштирокчилар даврада ўтирадилар, “икки” рақамли иштирокчилар уларнинг стулини орқасида турадилар. Битта стул бўш қолиши керак. Стул орқасида турган иштирокчининг вазифаси кимга бўлса ҳам қарashi билан ўзининг стулига ўтиришга таклиф қилиш. Уни сезган бошқа иштирокчи чопиб бўш стулга ўтириб олиши керак. Унинг ёнидаги ҳамроҳининг вазифаси уни ушлаб қолиш.

“Бўрон” (10 дақиқа)

Болалар давра қуриб ўтирадилар, бошловчи давра марказига чиқади ва жой алмашишларини илтимос қиласи (ким алоҳида белгига эга бўлса - оқ кўйлак, бўйи баландлар, қора кўзлар ва ҳ.к.). Агар, иштирокчи айтилган белгига эга бўлса, жойини алмаштириши ёки бошловчи бўлиши керак. Бошловчи фақат билган белгисини айтади. Иштирокчилар жойларини алмаштирганларида, у кимнингдир жойига ўтириши мумкин. Стусиз қолган иштирокчи бошловчи бўлади. Агар иштирокчи даврада узоқ вакт ўтира олмаса, у "Бўрон" - деб, айтиши мумкин, ўшанда даврада ўтирганлар жойларини алмаштирадилар.

“Броунча ҳаракат” (10 дақиқа)

Ҳамма иштирокчилар бошловчининг атрофига тўпланадилар, қўзларини юмадилар ва мантиқсиз ҳар томонга ҳаракат қила бошлайдилар. Оз фурсатдан кейин бошловчи “жимлик ва тўхтанг” деган битта сигнал беради, “кўзларни юмган ҳолда даврага туриңг” деган 2 та сигнал, “кўзларни очиб пайдо бўлган фигурага қаранг” деган 3 та сигнал беради.

Ўйиннинг бошқа варианти ҳам мавжуд. Мусика остида ҳамма иштирокчилар эркин ҳаракат қила бошлайдилар. Бошловчи хоҳлаган вақтида “5 кишидан иборат (3, 7) гурух тузинг” деган сигнал бериши мумкин. Иштирокчилар дарҳол шундай гурух тузиб, қўл ушлаб давра қурадилар. Шундай ҳол бир неча марта такрорланади, бунда гуруҳдаги кишилар сони ўзгариши керак (молекуладаги атомлар сони).

“Молекулалар” (5 дақиқа)

Бошловчи шундай тушунтиради: “Тасаввур қилинг, барчамиз - атоммиз, улар мантиқсиз ҳаракат қиласидилар, гоҳида бирлашиб молекула ҳосил қиласи, кейин турли томонга тарқалиб кетадилар, бутун катакка тўпланадилар. Ҳозир мусика бошланади ва биз ҳаммамиз ўз ҳолимизча атомлар каби ҳаракат қила бошлаймиз”. Кейин бир нечта молекула - катакка, катаклар - организмга. Мусика ўйнай бошлайди, ҳамма иштирокчилар хоҳлаганларича ҳаракат қила бошлайдилар. Психолог: “2 та атом”, кейин “2 молекула”, “2 катак”, “2 организм” каби топшириқларни беради, шундан сўнг иштирокчилар 2 гурухга бўлинадилар.

ҮҚУВЧИЛАРНИ ЯХШИЛИККА УНДОВЧИ ПСИХОЛОГИК МАШҚЛАР

“Яхшилик қилиш”

Сұхбат давомида психолог ёрдамға мұхтож инсонларға қандай ёрдам бериш мүмкінлиги ҳақыда сүрайди. Масалан: үртоқларига, ёш болаларға, қарияларға, ногиронларға. Ёрдам бериш инсонға хос ижобий фазилат эканлиги, инсонлар үртасида меңр-оқибат, үзаро ёрдам ва дүстлик муносабатлари юзага келишини болалар билан мұхокама қилинади.

“Жумлани давом эттириб”. Психолог үқувчилардан берилған қоғозга гапни давом эттириб ёзишларини сүрайди: Масалан:

“Менга ёқмайды, қачонки, үртоқларим.....”

“Гурухимиз зүр бўлар эди, агар үртоқларим...”. Болаларнинг ёзган жавоблари йиғиб олинади ва таҳлил қилинади. Лекин ким қандай жавоб ёзгани айтилмайди. Машқдан кутиладиган натижа гуруҳда болаларнинг бир-бирлари билан дўстона муносабатини яхшилаш, хулқ-атворларининг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш.

“Ҳаёт йўли ”. Сұхбатда психолог үқувчилардан ҳаётий режаларни сүрайди. Масалан: “Мен ва менинг оиласам”, “Мен ким бўлмоқчиман?”, “Менинг севимли машғулотим”, “Менинг орзуим”. Ҳаётий режаларни амалга оширишда нима ёрдам бериши ёки халақит бериши ҳақыда биргаликда мұхокама қиласидар. Тарбиячи ва психолог томонидан болаларга тўғри йўлланма ҳамда маслаҳатлар бериб борилади.

“Ўзи ва ўзгаларга муносабат”. Психолог үқувчилардан 1 ҳафта олдин бўлиб ўтган воқеа-ходисаларни ёзиши ёки сўзлаб беришини сүрайди. Сұхбатдан кейин шу вақтда бошқача яшаш мүмкимиди?-деган савол берилади. Жавоблар үқувчилар билан биргаликда таҳлил этилади.

“Менинг идеалим”. Сұхбат жараёнида үқувчилардан ҳаётий орзу-мақсадларини сўралади ва баҳоланади. Орзуни амалга ошиши учун ижобий ахлоқий сифатлар зарур эканлиги таҳлил қилинади.

“Ўсмир учун эртак”. Бу машғулот эртактерапия усулида ўтказилади. Ўсмирга унга ва атрофдаги одамларга ўхшаш қаҳрамон акс этган эртак айтиб берилади. Эртак якунида психолог ва ўсмир биргаликда хулоса чиқарадилар.

“Фикрларни давом эттириш эстафетаси”. Үқувчиларга бирор мавзуга оид гап айтилади. Улар занжир асосида берилған мавзуни давом эттиради, тўлдиради ва изоҳлайди. Фикрлар таҳлил қилинади ва муаммоларни ечиш йўллари биргаликда ҳал қилинади.

“Эркин мавзуда ижод қилиш”. Үқувчиларга ўзларини жудаям қизиқтирадиган мавзуларга оид расмлар чизиш ёки ҳикоя ёзиши таклиф этилади. Ҳикоя ва расмлар биргаликда таҳлил қилинади. машғулотларда

психолог намуна кўрсатиб бериши, юмор ва ҳазиллардан фойдаланиши лозим.

“Туғилган кун”. Ўқувчилар давра қуриб ўтирадилар. Ўқувчилардан бирини туғилган куни деб ҳисобланиб, ҳар бир ўқувчи туғилган куни деб белгиланган ўқувчига ўз тилак ва истакларини билдиради. Барча ўқувчи табриклагандан кейин табриклар таҳлил қилинади. Масалан: “Нима учун ўртогинга гул совға қилдинг?”, “Нега айнан шундай совға танладинг”.

“Ўзини-ўзи баҳолаш”. Болалар **“Ўз-ўзини баҳолаш нима дегани?”**. **“Унга нималар таъсир қиласди?** “ деган саволларга жавоб берадилар. Психолог ёки тарбиячи хулоса қиласди ва якун ясади, мисоллар келтиради. Ҳар бир ўқувчига бир вароқ қоғоз берилади. Болалар ўзларидаги инсоний сифатларни ёзиб чиқадилар. (Масалан: камтарин, меҳнаткаш, ишchan, хушмуомала, саҳий, мард, тиришқоқ, ташаббускор, меҳрибон, меҳмондўст, виждонли, хушчақчақ ва ҳоказо.) Ёзиб бўлгач, барча жавоблар таҳлил қилинади, психологорга керакли маслаҳатларни беради.

“Атрофдагилар билан ижобий муносабат ўрнатиш”

Машғулотда болаларга бадиий адабиётдаги қаҳрамонларнинг ҳаёти, уларнинг ўзгалар билан мулоқот қилишининг ижобий томонлари ҳақида сўзлаб берилади, мисоллар келтирилади. Флипчарт қоғозга одамлар билан мулоқот қилишининг айрим томонлари ёзилади. (Масалан: табассум қилиш, жилмайиш, ширин сўзлаш, меҳрибонлик, диққат-эътиборли бўлиш, хушмуомалалик). Ўзгалар билан ўзи хоҳлагандек муносабатда бўлиш йўллари ҳақида мунозара юритилади.

“Саҳна кўриниши”. Ўқувчилар кичик гурухларга бўлинади ва ўзлари билган асқия ёки қизиқарли воқеани саҳналаштирадилар. Тайёрланган воқеа саҳнада намойиш этилади. Ўқувчилар саҳна кўриниши бўйича ўз фикрларини билдирадилар.

Ҳар бир машғулотдан кейин янги ғоялар пайдо бўлиши мумкин. Машғулотлар баъзи ўқувчига ёқиши ёки ёқмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар бир машғулотни ўзига хос индивидуал усууллар асосида ўтказиш керак.

“Меҳрибонлик”. Иштирокчилар гуруҳ аъзосидан бирининг энг ижобий инсоний фазилатларидан фойдаланиб, мустақил тарзда ҳикоя тузадилар. Сарфланадиган вақт: 15 дақиқа.

ЎҚУВЧИЛАРДА ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА ЕТАКЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАШҚЛАРИ

“Бошқанинг ҳолатини ўзингда ҳис эт”

Машқнинг мақсади: Муаммоли вазиятларда шахсдан мулоқот ўрнатиш хусусиятларини ижобий шакллантириш ва вазиятни бошқара олиш қобилиятларини ошириш.

Ўқувчилар давра бўлиб ўтиришади. Бошқарувчи кўрсатмасига биноан: “Ҳозир сиз жуфт-жуфт бўлиб ўйнайсиз (ўқитувчи ўқувчиларни бир-бирларига ёқишлигини ҳисобга олиб жуфтларга бўлиб чиқади) машқни ким бошлашини ўзингиз ҳал қилинг”. Психолог бошловчи нимадандир хафа бўлган одамнинг қиёфасига киради. Шу ҳолатга киришлари учун ёмон бир ҳодиса, воқеани эслашга ҳаракат қилиши керак бўлади. Щериги эса ҳар хил йўллар билан бошловчини бу ҳолатдан чиқаришга ва ижобий ҳолатга келтиришга, яъни хурсанд қилишга, уни кулдиришга ҳаракат қиласи. Лекин бу жараёнда қўл билан тегиш, жисмоний тегишга йўл қўйилмайди. Вазифа бажарилгандан кейин ролларингизни алмаштирасиз.

“Фазилатнинг устунлиги”

Машқнинг мақсади: Ўқувчиларда тушуниш қобилиятининг намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш.

Ўйин бориши. Бошловчи ҳар бир иштирокчи қўлига алоҳида карточкаларда “ташкilotчи”, “лидер”, “бошқарувчи” сўзларини бериб чиқади. Сўзлардаги ҳарфлар вертикал кўринишда ёзилган бўлиб, иштирокчи ҳар бир ҳарфнинг рўпарасига ўша билан бошланадиган ўзидағи шахсий сифатларни кўп ўйланмай ёзиди чиқиши керак.

“Кўприк”

Машқ мақсади: Уюшган жамоани яратиш, ўқувчиларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бир-бирига ёрдам беришни шакллантириш, мулоқотдан новербал воситаларни ривожлантириш.

Иштирокчилар айлана бўлиб жойлашадилар, ўртада жойлашган иштирокчи бўр билан диагонал чизик чизилади. Ўйин шартини у қўйидагича тушунтиради: “Бу чизиқни тоғ дарёсидаги кўприк деб тасаввур қилинг. Кўприкнинг бир томонига фақат бир киши ўтиши мумкин. Ўйиндаги вазифа шундан иборатки, бир-бирига қарама-қарши турган йўналишда ҳаракат қилаётган икки киши кўприкдан ўтишлари зарур, ким уриниб қўришни ҳоҳлайди?” Гурух ичидан ҳоҳишга кўра икки иштирокчи чиқади. Бу вазифанинг ечими олдиндан муҳокама қилинмайди, иштирокчилар кўприк бўйлаб бир-бирига қарама-қарши ҳаракат қиласидилар. Улар учрашганда бир дақиқадан ортиқ гаплашмасдан энг кам сўз ишлатиб, келишлари зарур. Натижаларни муҳокама қилишда

қүйидагиларга эътибор берилади: коммуникатив вазифани бажаришда ким ташаббус намоён қиласи, ўйин иштирокчилари бир-бирларига ёрдам берадиларми ёки, аксинча шериги ҳақида ўйламай фақат мақсадини амалга оширишга уринишадими? Бундай шартли, хавфли вазиятда қандай воситалар маҳсулдор ҳисобланади?

“Хужумчи” ва “Ҳимояланувчи”

Мақсад: ўз нуқтаи назарини фаол ҳимоя қилиш кўникмасига эга бўлиш малакасини шакллантириш.

Иштирокчилар гурухга иккитадан бўлиниб бир-бирларига қарама-қарши ўтириб олган ҳолда, аввал “хужумчи” кейин “ҳимояланувчи” ролида ўз фикрларини уқтиришга ҳаракат қиласи. Сарфланадиган вақт: 50 дақиқа.

“Ишончли йиқилиш”

Мақсад: ўзаро таъсир малакаларини шакллантириш; гурух аъзолари орасида ишонч ҳиссини уйфотиши. Иштирокчилар қўлларини маҳкам ушлаган ҳолда катта доира ташкил этадилар. Доира марказида турган иштирокчи кўзлари юмуқ ва бўшашган тарзда уларнинг қўлига йиқиласи. Сарфланадиган вақт: 15 дақиқа.

“Кимсасиз орол”

Мақсад: Ташкиллаштириш ва бошқарув муносабатлари ҳақида ахбаротга эга бўлиш ҳамда гурухни уютириш.

Ҳар бир иштирокчига 15 дақиқа ичида кўрсатмага биноан вазифани бажариш юклатилади. Уларнинг асосий вазифаси мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, иложи борича тезроқ кимсасиз оролни тарқ этишини ҳал қилишдир. Сўнгра уларга 20 дақиқа ичида ўзаро фикр алмашиш, ўзаро мақбул хulosага келишлари учун вақт берилади. Улар муваффакиятга эришишлар учун бошқарувнинг ягона усулига яқдил келишлари керак. Сарфланадиган вақт: 45 дақиқа.

“Доира ичига кир”

Мақсад: гурухий уюшганликни қувватлаш. Ҳар бир иштирокчилар галма-гал ёпиқ доирага кириш учун ҳаракат қиласи. Сарфланадиган вақт: 15 дақиқа.

“Ғаройиб саломлашиш”

Мақсад: бегараз, дўстона муносабатларга эришиш.

Иштирокчилар ўзлари ўйлаб топган саломлашиш усулларига асосланиб кўришадилар. Сарфланадиган вақт: 10 дақиқа.

“Ишончли, ишончсиз ва тажовузкор жавоблар”

Мақсад: турли вазиятларга нисбатан тўғри реакцияни шакллантириш. Гурухнинг ҳар бир аъзоси қайд этилган вазиятларга ишончли, ишончсиз ва тажовузкор жавоб турларининг қай бири тўғри келишини кўрсатиши лозим.

1. Дўстингиз сиз билан суҳбатлашмоқда, лекин сиз кетишингиз керак.

2. Ўртоғингиз сизни огоҳлантирмасдан бегона кишини олиб келди.

3. Кинотеатрда сизнинг орқангизда ўтирган одамлар баланд овозда гапириб, кино кўришингизга имкон бермаяптилар.

4. Ўқитувчингизнинг фикрича, сизнинг кийинишингиз ва соч турмагингиз ўқувчининг ташки қўринишига хос эмас.

Вазиятни жуфт-жуфт қилиб таҳлил қилиш мумкин.

Сарфланадиган вақт: 15 дақиқа.

“Нима? Ким? Қаерда? Қачон? рефлексив муолажаси”

Мақсад: яқин келажак режаларини аниқлашга ва “ҳаётий дастур”ни тузишга ўргатиш.

Психолог ҳар бир иштирокчига яқин орада эришиши мумкин бўлган орзу-умидларини қўриб чиқишини ва уларнинг аҳамиятлилик даражасига кўра жойлаштиришлари кераклигини тушунтиради. Ўз эҳтиёжларини қондиришга асосланган муваффақият дастурини тузиш қуидаги қоидаларга асосланади:

- “менда нима бўлади”, “мен нимани хохлайман”, “мен мағлубиятни қандай хис қиласман” ва ҳоказолар каби муваффақият калитини тузиш;

- ҳар ким ўзи бажара оладиганини режалаштириш;

- қўлга киритилган натижаларни сенсор тизимда: хис этиш, сезиш, товуш, кайфият ва ҳоказоларда тасвирилаш;

- тасаввур қилинг, қўлга киритилган натижалар қачон ва қай тарзда керак бўлади?

- ўйлаб қўриш, кутилган натижаларнинг оқибати нима билан тугаши мумкин? Гуруҳда натижаларни муҳокама қилиш.
Сарфланадиган вақт: 60 дақиқа.

“Муқобил далиллар”

Мақсад: ўзини-ўзи қўрсатиш шароитларини яратиш; акс далилларни келтириш ва мунозарани уюштириш қўнималарини шакллантириш. Ҳар бир гурух аъзоси ўзидан қониқмаган бўш жиҳатларини айтиб беради. Колган аъзолар унинг бу жиҳати маълум вазиятларда ижобий фазилат эканлигини тушунтиришга ҳаракат қиласадилар. Сарфланадиган вақт: 50 дақиқа.

“Ўйлаб қўр олдиндаги ким”

Мақсад: иштирокчилар күзлари боғланган ҳолда хонадаги гурухдошлардан бирини пайпаслаб, унинг кимлигини таърифлаб, исмини топадилар. Сарфланадиган вақт: 10 дақиқа.

“Подшоҳи олам”

Мақсад: Ҳар бир иштирокчи “подшоҳи олам” ролидаги буйруқ беради ва амр этади. Айтиш керакки, ҳар бир подшоҳи олам ўз бошқарув ва буйруқ услубига эга бўлиши шарт. Сарфланадиган вақт 40 дақиқа.

“Аввал ва кейин”

Мақсад: тренингни якунлаш; ижобий установкаларни мустаҳкамлаш; ташкилотчилик сифатларини мустаҳкамлаш; мулоқотчанлик ва ўз-ўзига адекват баҳо бериш тизимини ривожлантириш.

Иштирокчилар ўзларининг хулқ-авторларидаги ўзгаришларни англашлари, хаётга, ўртоқларига қарашларидаги ижобий сифатлари хусусида ҳамда ўзлари учун янгилик бўлган тренингнинг аҳамияти ҳақидаги тасаввурлари билан ўртоқлашадилар, бир-бирларига энг яхши “ташкилотчи” сифатларини айтадилар. Психолог “идеал ташкилотчи” йўриқномасини ўқиб эшиттиради ва уларнинг ҳар бири ўз ҳаётининг намунали эгаси, севиб ва севилиб яшашга ҳақли эканликларини таъкидлайдилар. Сарфланадиган вақт 15 дақиқа.

“Ёқимли доира”

Мақсад: эмпатияни ривожлантириш.

Иштирокчилар қўлларини ушлаган ҳолда доира ҳосил қиласилар, доира ўртасида турган иштирокчи ҳар бир гуруҳ аъзосининг ёнига келиб, сўзсиз кўзи билан хайрлашади. Сарфланадиган вақт: 10 дақиқа. Якуний хуносалар.

СИНФ РАҲБАРЛАРИ ВА АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАРГА ТАВСИЯЛАР

ЎҚУВЧИНИНГ ХАРАКТЕРИНИ БИЛИШ МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИДИР

Синф раҳбари ва амалиётчи психолог ўқувчиларнинг ўқиши, мулоқоти, фаолиятини тўғри ташкил этишида унинг характерини билиши мухим.

Характер - шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуики, улар унинг борликка, одамларга, предметли фаолиятга ҳамда ўз- ўзига муносабатини ифодалайди

Характернинг намоён бўлиш тизими:

Фаолиятдаги хусусиятлар:
интизом,
мехнатсеварлик,
тартиблилик,
ташаббускорлик,
ишга лаёкат,
интилувчанлик,
масъулият.

Инсонларга муносабатлардаги сифатлар: одобилик, меҳрибонлик, меҳр, жонсараклик, самимийлик, альтруизм, мулоқотга киришувчанлик, ғамхўрлик, раҳмдиллик.

.Ўз-ўзига муносабатдаги сифатлар:
камтарлик,
камсуқумлилик,
мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз-ўзини танқид, ибо, шарму-ҳаё.

Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар: тартиблилик, оқиллик, саронжом-саришталик, қўли очиқлик, зиқналик, тежамкорлик, покизалик

Характерни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Муносабатларнинг характердаги ўрни хусусида икки ташкил этувчини ажратиш мумкин:

- эмоционал-когнитив** - борлик муҳитнинг турли томонларини шахс қандай эмоционал ҳис қилиши ва ўзида шу оламнинг эмоционал манзарасини яратиши;
- мотивацион-иродавий** - маълум ҳаракатлар ва хулқни амалга оширишга ундовчи кучлар.

Шахснинг ўзига хослиги ва характерологик тизимда учта асосий тузилма бўлиб, муносабатлар ва йўналиш шахсдаги асосий кўринишлар сифатида - бу шахснинг ҳаётдан нимани кутиши ва нимани хоҳлашини билдиради.

Характер ҳар бир инсоннинг турли вазиятларда намоён бўладиган фазилатларидан фойдаланиш имкониятини яратади, характер инсоннинг *ҳатти-ҳаракатлари ва амалларида* намоён бўлади - одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган ҳаракатлари унинг **ким** эканлигидан дарак беради. Характер хислатлари икки катта гурухга бўлинади:

1) Характернинг *маънавий* сифатлари – меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, меҳрибонлик ташаббускорлик, камтарлик кабилар;

2) Характернинг *иродавий* хислатлари – мақсадга интилувчанлик, қатъийлик, жасурлик, мардлик, матонатлилик, ўз-ўзини тута билиш кабилар.

Нутқининг хусусиятлари (баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез ёки босиқлиги, эмоционал бой ёки жонсиз) ҳам характернинг йўналишини белгилайди.

Ташқи қиёфа - юзининг очиқ ёки тунд эканлиги, қўзларининг самимий ёки жоҳиллиги, қадам босишлари - тез ёки босик, майда қадам ёки салобатли, туриши - виқорли ёки камтарона, бўларнинг ҳаммаси характерни ташқаридан кузатиб ўрганиш белгиларидир.

Характерга урғу беришнинг қуйидаги энг муҳим турлари алоҳида ажратиб кўрсатилади:

Интроверт типи, унинг учун одамовилик, муомалада ва атрофдагилар билан алоқа ўрнатишда қийналиш, ўзи билан ўзи бўлиб қолиш хос. У кўпроқ ички диалог формасидаги мулоқотни афзал кўради, яъни ёлғизликда мулоҳаза юритиш, ўзи ҳақида ўйлаш ва шунга ўҳшаганлар унинг учун асосий ишдир. Шунинг учун ҳам унда мулоқотга установка жуда суст, одамларнинг уни тушунмай қолишларидан доимо ҳавотирда бўлади. Интроверт китоблар олами, фалсафий фикрлашлар қулидир, чунки у одамлар гурухида содир бўлиб турадиган зиддиятлардан чўчиди, ўзини олиб қочади. Агар мулоқотда бўладиган бўлса, 2—3 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳни афзал кўради. Шунда ҳам ҳар куни эмас, баъзан-баъзан учрашиб туриш, гаплашганда ҳам "шахсий" мавзуларда эмас, умумий гаплар ҳақида сухбатлашишни яхши кўради. Интроверт доимий стандартлар, белгиланган нормалар оламида яшайди, қизиқсан нарсаси билан умрини охиригача бўлса ҳам шуғулланишга тайёр, умр йўлдошига содик, вафодор. Дўстларга ҳам худди шундай.

Экстроверт тип – бунга ҳис-ҳаяжонга тамомила берилганлик, баъзан муомала ва фаолиятнинг зарурлигидан қатъий назар унга интилиш, кўп гапириш, қизиқишларнинг доимий эмаслиги, баъзи мақтанчоқлик, юзакичилик, конформлилик хос. Экстроверт — ўта мулоқотга киришувчан, ўзини одамлар гуруҳисиз тасаввур қила олмайдиган шахсдир. Унинг учун мулоқот ҳақиқий эҳтиёжи дар, бошқаларнинг уни тушуниш-тушунмасликларидан қатъий назар, у доимо

ўз фикр-истакларини ўртоқлашгиси келади. Экстроверт учун конкрет ким биландир мулокотда бўлиш эмас, умуман ким билан бўлса ҳам мулокотда бўлиш хоҳиши муҳим. Шунинг учун ҳам у умуман бегона одам билан гаплашиб, киришиб кета олади. Гаплашгиси келмаган бегонанинг психологиясини тушуниши қийин ("Қандай қилиб гаплашишни хоҳламаслик мумкин?", — деб уйлайди у). Экстровертнинг қизиқишлари ҳам тез-тез ўзгариб туради, дўстлари, ўртоқларини ҳам алмаштириб туришга интилади. Бундан ташқари, у ўта киришувчан бўлганлиги учун ҳам ҳар қандай шароитда вазиятдан чиқиш усуллари тўғрисида тез хуносага келади, ўта қизиқувчан, дунёда бўлаётган ҳодисалар, "мишмишлар"ни билиш унинг учун зарур. Экстроверт кек сақламайди, бугун урушган одами билан эртага ҳеч нарса бўлмагандай апоқ-чапоқ бўлиб кетиши мумкин.

Бошқарib бўлмайдиган тип: бунга - ғайритабиийлик, мунозаралик, эътиrozларга муросасизлик, баъзан эса шубҳаланиб қараш хосдир.

Сензитив тип учун қўрқоқлик, одамовилик, тортинчоқлик хосдир. Сензитив ўсмиirlар катта ва бунинг устига янги улфатларга қўшилишдан қочишади, тенгкурларининг шўхликларида ва қалтис ишларида қатнашмайдилар, ёш болалар билан ўйнашни афзал кўрадилар. Улар назорат ишларидан қўрқишиади, айrim вақтларда хато қилиб тенгдошларининг кулгусига сабаб бўлиш ёки ҳаддан зиёд яхши жавоб билан ҳавасини келтиришдан хавфсираб, гурух олдида жавоб беришдан ийманишади.

Характер акцентуациясининг *намойишкорона типига* ўтакетган худбинлик, ўзига нисбатан доимий эътибор, таҳсинлар айтиш ва ҳамдардлик билдириш хосдир. Ёлғончилик, қуруқ савлат ва ўзини кўз-кўз қилишга, ҳулқ-атворни намойиш қилишга иштиёқ (ўзини ўзи ўлдираётган қилиб кўрсатишга қадар) – буларнинг ҳаммаси исталган воситалар билан тенгдошлари орасида ажralиб туришга интилишда намоён бўлади.

ТЕМПЕРАМЕНТ ЎҚУВЧИ ҲАТТИ-ҲАРАКАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МЕЗОН: УНИ БИЛИНГ!

Ўқувчининг темпераментини билиш орқали уни фаолиятдаги устун, заиф томонларини аниқлаб олиш, шунга кўра уни ўқиши, касб ҳунарга йўналтириш мумкин бўлади. Синф раҳбари ва амалиётчи психолог ўқувчи темпераментни яхши ўрганиши керак. Бу орқали ўқувчининг хатоларини тушуниш, феъл-атворини назорат қилиш, жамиятда ўз ўрнини топишга ва ғурурли, иродали бўлишга ёрдам кўрсатади. Биз ушбу қўлланмани ёзишда темперамент тушунчасини атрофлича изоҳлаб беришни мақсад қилдик.

Темпераментнинг шахс шаклланиши ва ижтимоий мухитда ўзига хос мавқени эгаллашидаги аҳамияти жуда катта. Ўзини босиб олган, ҳаёт қийинчиликларини сабр-бардош билан кўтарадиган инсоннинг одамлар орасидаги обрўси ҳам баланд бўлади. Бу унинг ўз-ўзига нисбатан ҳурматини ҳам оширади, ишга, одамларга ва нарсаларга муносабатини такомиллаштириб боришига имкон беради. Темпераментнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ҳаётий воқеалар ва вазиятларни, жамиятдаги ижтимоий гурухларни «яхши-ёмон», «аҳамиятли-аҳамиятсиз» мезонлари асосида ажратишга имкон беради. Яъни, темпрамент одамнинг ижтимоий объектларга нисбатан «сезгирилигини» тарбиялайди, унинг фаолиятга нисбатан муносабати, касб малакасининг ошиб боришига ёрдам беради.

Темперамент хусусиятлари аслида туғма ҳисобланса-да, шахсга бевосита алоқадор ва англанадиган бўлгани учун ҳам маълум маънода ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам туғилган чоғида сангвиникка хос харакатлар намоён қилган болани умрининг охиригача фақат шундайлигича қолади, деб бўлмайди. Демак, ҳар бир темперамент хусусиятларини ва унинг шахс тизимга алоқасини билиш ва шунга яраша хулосалар чиқариш керак.

Холерик. Кучли, мувозанатсиз, эпчил, жангвор, жўшқин, осон ва тез таъсиrlанувчан тип. Аффект ҳолатлар кўпроқ кузатилади, мувозанатсизлик тез-тез намоён бўлади. У бирор ишни иштиёқ билан бошлайди, катта ташаббус кўрсатади, бироқ асаб кучи иш жараёнида тез тугаб қолади. Фаолияти бирдан пасаяди, ғайрати ва илҳоми йўқолиши мумкин. Кайфияти тез-тез ўзгариб туради, қўзғалиш тормозланишга нисбатан кучли.

Сангвиник. Кучли мувозанатли, эпчил таассуротларни тез-тез ўзгартирувчан, жўшқин, ташаббускор, қўзғалиш ва тормозланиш жараёни кучли.

Флегматик. Кучли, мувозанатли суст ҳиссиётлиги оз, кулдириш, жаҳлини чиқариш ёки кайфиятини бузиш қийин. Чидамлилик, матонатлилик сифатларига эга, лекин баъзан лоқайд, камфаросатли. Ташқи таассуротларга қийинчилик билан жавоб қайтаради. Ҳар қандай шароитда ўзини тута билади(тормозлай олади).

Темперамент - шахс фаолияти ва хулқининг динамика (ўзгарувчан) ва эмоционал - ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуудир

Темперамент хусусиятларини белгилаб берувчи уч олий нерв тизими хоссалари: куч, мувозанатлашганлик, ҳаракатчанлик.


Куч - нерв тизимининг кучли кўзғатувчилар таъсирига бардоши, шунга кўра инсонда меҳнатга яроқлилик, чидам каби сифатлар

Мувозанатлашганлик - асабдаги тормозланиш ва кўзғалиш жараёнларининг ўзаро мутаносиблиги, шунга кўра, ўзини тута олиш, босиқлик каби сифатлар намоён бўлиши

Ҳаракатчанлик - кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларидағи ўзаро алмашиниш жараённинг тезлиги ва ҳаракатчанлиги

Шахс темпераменти тоифалари

1. Холерик тоифа;
2. Сангиник тоифа;
3. Флегматик тоифа;
4. Меланхолик тоифа.



Меланхолик. Кучсиз, юксак сензитивлик хусусиятига эга. Сезгирилиги ортиқ, араздан, тортинчоқ, кўнгли очиқ, қийинчиликлардан кўрқади. Ҳар нарсадан ҳадиксираб ўтиради. Яхши инсонийлик фазилатларига эга. Рухий темпи суст, диққати тез чалғайди ва бир фикрли эмас.

Синф раҳбарлари ва амалиётчи психологлар ўз фаолиятларида ўқувчиларга тўғри йўл топишлари учун унинг темпераментини билишлари зарур.

Ўқувчидаги хатти-харакатларга ўргатиш лозим:

- Бошқаларнинг муаммоларига беэътибор бўлмаслик;
- Жаҳлдорлигини англаш ва инсонлар уни кечиришига эришиш;
- Кечиримли ва чидамли бўлиш;
- Ички гўзаллиги ва кучини хотиржамликда мукаммаллаштириш;
- Синфдошлари ва ўртоқлари билан тузиладиган режалар бўйича тил топиша олиш.

Синф раҳбари ўқувчисида *сангвиник* тоифасига хос сифатлар кузатса, уларни қуидаги хатти-харакатларга ўргатиши лозим:

- Ишончлироқ бўлиш ва одамнинг ишончига кириш;
- Ўзида интизомни кучайтириш;
- Ўзида хақиқий камтарликни ривожлантириш;
- Аввал ўйлаб, кейин сўзлаш.

Ўқувчидаги *флегматикларга* хос сифатлар кузатилса, синф раҳбари ўқувчисига таъсир этиб, қуидаги хатти-харакатларга ўргатиши керак:

- Пассивликни енгиб ўтиши ва фаолроқ бўлиши;
- Ўзини инсонларга тақдим эта билиши;
- Бошқалар билан очиқ бўлиши ва фикр алмашиши;
- Ўзига маъсулиятни ола билиши;
- Қатъиятсизликни муаммо сифатида қабул қилиб, ўз устида ишлаши;
- Жисмоний машғулотлар билан шуғулланиши.

Синф раҳбари ўз ўқувчисида *меланхолик* тоифасига хос сифатлар кузатса, уларни қуидаги хатти-харакатларга ўргатишни маслаҳат берамиз:

- Танқидчилик руҳини енгиб ўтиши;
- Ўйчанликни енгиши;
- Ўз руҳини мукаммаллаштириши;
- Куни ва ҳаётини мазмунли ташкил қила олиши.

Ўқувчиларда ҳар бир темпераментнинг яхши тарафлари мавжуд эканлиги, инсонлардаги яхши жиҳатларни доимо ҳар бир темпераментдаги кишиларда учратиш мумкинлиги, ёмон кишилар бўлмаганидек, темпераментнинг хам ёмони бўлмаслигини синф раҳбарлари ва амалиётчи психологлар ўз фаолиятларида доимо ёдда тутишларини маслаҳат берамиз.

Темпераментнинг психологияк таснифи ва уларнинг ҳаётий вазиятларда намоён бўлишини инсонда мавжуд бўлган фаоллик, босиқлик, эмоционал тетиклик, ҳиссиётларнинг тезда намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги, қайфиятнинг турғунлиги, беҳаловатлилик, ишchanлик, янги ишга киришиб кетиш, малакаларнинг тез ҳосил бўлиши каби қатор сифатлар асосида шахсдаги ўша экстроверсия ва интроверсия хоссалари ётади, уларни ҳам ўзгартириш, шу орқали темпераментни бошқариш мумкин. Шулардан келиб чиқсан холда ўқувчининг ўқиши, меҳнат қилиш услубини танлаши ва ўзини намоён этишида айни шуларга эътибор бериш керак. Масалан, баъзилар холерикларга ўхшаш қизиқон, тезкор бўлишади. Унинг ўқиши жараёнидаги ишини кузатадиган бўлсак, фаоллик, вазифасини тез бажаришга лаёқат ижобий бўлса, унинг сифати, чала ташлаб кетиш хавфи, баъзи томонларига юзаки қарashi кишини ўйлантиради. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ҳаётда соғ темперамент ҳам бўлмайди ва у ёки бу темперамент типи жуда яхши ҳам эмас. Ҳар бир типнинг ўзига хос нозик, кучсиз томонлари ва шу билан бирга кучли, ижобий томонлари ҳам бўлади.

Темпераментга тааллуқли индивидуал динамик хусусиятлар, мотивлар ва психик холатларга тааллуқли динамик хусусиятларни фарқ қилишда қўшимча белгиларни билиш зарурдир. Бу қўшимча белгилар қўйидагилардир.

1. Темпераментнинг айни бир хил хусусиятлари, мотив ва психик холатлардан фарқли ўлароқ, худди бир одамнинг ўзида фаолиятнинг ҳар хил турлари ва турли мақсадларда, масалан, меҳнат, ўйин, спорт, турли дарслар ва шу кабиларда намоён бўлади.

2. Темперамент хусусиятлари одамнинг бутун ҳаёти давомида ёки маълум бир қисмида барқарор ва ўзгармасдир.

3. Мазкур одамнинг темпераментнинг турли хусусиятлари бир-бири билан тасодифий бирлашган бўлмай, балки бир-бири билан қонуний боғланган бўлиб, бу хусусиятлар темперамент типларини характерлайди.

Темпераментнинг хусусиятлари нима? Бу хусусиятлар турли мазмундаги фаолият, мотивлар ва мақсадларга нисбатан ўзгармайди ҳамда темперамент типини характерловчи структурани ҳосил қиласди.

I. Нерв системасининг умумий типлари билан физиологик жиҳатдан боғланган темперамент типлари Гиппократ томонидан киритилган темперамент тоифалари: сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик деб аталади.

II. Гиппократ типлари деб аталган темперамент типлари одам организмидаги турли суюқликларни ортиқлик нисбати билан боғланган антик даврдаги содда материалистик назария билан тушунтириш мумкин: яъни қон ортиқ бўлса, сангвиник; сафро бўлса, холерик; балғам ортиқ

бўлса, флегматик ва қора ўт ортиқ бўлса, меланхонлик темперамент бўлади.

III. Темперамент типларининг психологик характеристикаси қўйидаги асосий хусусиятлар билан аниқланади:

1. Сензитивлик, бунга сезгиларнинг пайдо бўлиши зарур бўлган қўзғовчининг озгина кучи ёки эҳтиёжларини қондирмасликнинг билинар билинмас даражаси, аммо шунга қарамай, одамга азоб берувчи даражаси киради.

2. Реактивлик, бу хақида биз айнан бир хил куч билан таъсир қилувчи ташқи ва ички таассуротларга одам қандай куч билан эмоционал реакция қилишга қараб хulosса чиқарамиз. Реактивликнинг жуда эркин намоён бўлиши эмоционаллик ва таъсирланувчаникдир.

3. Активлик, бу хақида биз одам қандай активлик даражаси билан ташқи оламга таъсир этиши ва мақсадларни амалга оширишда ташқи ҳамда ички қаршиликларни қандай фаоллик билан енгишига қараб хulosса чиқарамиз.

4. Реактивлик ва активлик ўзаро муносабати. Бу хақида биз одамнинг фаолияти кўп жиҳатдан нимага боғлиқлигига қараб яъни тасодифий тарздаги ташқи ёки ички шароитлар (масалан, кайфият, тасодифий ходисалар) ёки мақсад, ният ва интилишларга боғлиқлигига қараб хulosса чиқарамиз.

5. Реакция темпи. Бу хақида биз ҳар турли психик реакциялар ва процессларнинг ўтиши тезлиги, яъни ҳаракат тезлиги, нутқ темпи, фаросатлилиги, ақл тезлигига қараб хulosса чиқарамиз.

6. Ҳаракатларнинг силиқлиги ва унга қарама қарши сифат бўлган ригидлик. Булар хақида биз одамнинг ўзгарувсан ташқи таассуротларга қанчалик енгиллик ва чаққонлик билан мувофиқлашиши ёки, аксинча, унинг хатти-ҳаракатларининг қанчалик суст ва қолоқлигига қараб хulosса чиқарамиз.

7. Экстравертилк ва унга қарама-қарши сифат бўлган интровертилк. Булар хақида биз одамнинг фаолияти ва реакцияси кўп жиҳатдан нимага боғлиқлигига қараб, яъни айни чоғдаги ташқи таассуротлар ёки, аксинча образлар, тасаввурлар ҳамда ўтмиш ва келажак тўғрисидаги фикрлар.

ҚОБИЛИЯТЛИ ЎҚУВЧИНИ ҚИДИРАМИЗ

Ўқувчини қобилиятини топиб, уни ўша йўналишда ривожлантириш мактабдаги синф раҳбари, амалиётчи психолог ва албатта ота-оналарнинг асосий вазифаларидан биридир. Ҳар бир ўқувчи қобилияти бу “кўзи очилмаган булоқ” бўлиб, уни ўз вақтида топиш, аниқлаб, йўл очиб бериш бу савобли ишдир.

Қобилият – ўқувчи шахсининг шундай индивидуал, турғун сифатларики, улар фаолиятдаги күрсатгичлари, ютуқлари ва қийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради.



Қобилият аввалом бор умумий ва *махсус* турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологияк тизими ва тузилиши бўлади. Ўқувчининг умумий қобилияти ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуики, улар орқали ўқувчи бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли натижаларга эришиш имкони яратилади. Масалан, ўқувчи ижтимоий-гуманитар, аниқ фанлар, техника фанлари соҳасидаги билимларни ўзлаштира олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нутқ қобилияtlари, тиришқоклик, чидам, қизикувчанлик каби қатор сифатлар ёрдам беради.

Махсус қобилияtlар эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиш, юқори кўрсаткичлар беришга имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади. Масалан, спорт соҳаси билан математика бўйича шуғулланаётган икки ўқувчидаги ўзига хос махсус қобилияtlар бўлмаса бўлмайди.

Ўқувчининг қобилияти унинг қизиқиши, лаёқати, хохиши, мойиллиги каби бир қатор ўзига хос қисмларлардан иборатdir.



Ҳар бир қобилият ўзининг тизимиға эга. Масалан, математик қобилиятни оладиган бўлсак, унинг таркибиға умумлаштириш малакалари, ақлий жараёнларнинг эгилувчанлиги, мавхум тафаккур қила олиш каби қатор хусусиятлар киради. Адабий қобилиятларга улардан фарқли, ижодий ҳаёл ва тафаккур, хотирадаги ёрқин ва кўргазмали образлар, эстетик ҳислар, тилни мукаммал билишга лаёқат; педагогик қобилиятларга эса - педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларни севиш, билимларни ўзгаларга беришга эҳтиёж каби қатор индивидуал фазилатлар киради. Худди шунга ўхшаш қолган барча қобилиятларни ҳам зарур сифатлар тизимида таҳлил қилиш мумкин ва бу катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Қобилиятлар хилма хил бўлади. Қобилиятлар структурасида етакчи, таянч ва ёрдамчи хусусиятлари белгиланади. Махсус қобилиятларнинг айримларини қўриб чиқамиз:

- Мусиқага бўлган қобилият – бу инсонга хузур бағищловчи ҳиссиёт; товушларнинг оҳангини сеза олиш ва ифода этиш; эшишиб тасаввур қила олиш; мусиқанинг ритмикасини ҳис этиш.
- Бадиий фаолият кўрсатишга бўлган қобилият – рангларни баҳолай олиш, келажакни кўра олиш, кўриш хотирасининг ривожланганлиги.
- Математик қобилият – математик ахборотларни идрок этиш; математик ахборотларни қайта ишлай олиш, математик ахборотларни хотирада сақлай олиш; ақлни математик йўналтирилганлиги; умумлаштиришга бўлган қобилият; тафаккур жараёнларининг эгилувчанлиги; тўғри фикрлашдан тескари фикрлашга осон ўтиш.
- Техник қобилият – техник кузатувчанлик; фазовий тасаввурлар; техник тафаккур; қўл ҳаракатларининг зукколиги.

е) Бадиий адабиётга бўлган қобилият – кузатувчанлик; шоирона эмоционал идрок этиш; таъсирчанлик; ижодий ҳаёл суриш; образлар ёрқинлиги ва кўргазмалилиги; эстетик ҳис-туйғулар; нутқнинг бойлиги.

ж) Педагогик қобилиятга қуидагилар киради: билимларни узатиш қобилияти; фанни билиши; дарс бериш методикасини билиш; ўқувчини тушуниши; болаларга бўлган муҳаббат; педагогик оптимизм; ижодий фикрлаш қобилияти; топқирлик; ўзини янги мақсадга тез йўналтира олиш; ташкилотчилик қобилиятлари.

Ёшлиар иқтидорининг йўналишини аниқлаш мақсадида фаолият ва касб - хунар соҳаларини асос қилиб олиб, «Касбий - диагностик сўровнома» деб аталган методик ташхис усулини қўллаш мақсадлидир. Унга кўра, барча касбларни уларнинг йўналтирилган соҳасига кўра 5 тоифага бўлиш мумкин:

Одам - табиат (усимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар);

Одам - техника (машина, материаллар, энергиянинг турлари);

Одам - одам (одамлар груҳи, жамоалар);

Одам - белгилар (турли маълумотлар, белгили символлар);

Одам - бадиий, ижодий образлар (тасвирий санъат, мусиқа).

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР



Касб – хунарни танлаш ва ўз фаолиятини шунга йўналтириш ҳар бир ўқувчи шахси учун жуда катта аҳамиятга эга. Ана шундай танловнинг тўғри бўлиши ўқувчининг қизиқишлари ва касбий йўналишнинг шаклланганлигига боғлиқ бўлади.

Касбий қизиқишлар шаклланишида тўрт босқич мавжуд бўлиб, улар:

Биринчи босқич 12–13 ёшларга тўғри келади ва ўта ўзгарувчанлиги, шахсдаги билиш жараёнлари ва асл иқтидор билан боғланмаганлиги билан характерланади.

Иккинчи босқич 14–15 ёшларга тўғри келади. Бевосита боланинг билиш имкониятлари ва шахсий хусусиятлари билан боғлиқ бўлади.

Учинчи босқич 16–17 ёшларда қизиқишларнинг шундай интеграцияси рўй берадики, улар аввало жинсий хусусиятлар ва шахсдаги индивидуал хусусиятлар билан боғлиқ холда ривожланади.

Тўртинчи босқич ҳал қилувчи босқичда қизиқишлар доираси сезиларли даражада торайиб, профессионал йўналиш шаклланиб бўлади ва у касб танлаш билан якунланади.

Яхши касб-ҳунар эгаси бўлиш инсоннинг энг катта зийнатидир. У фароғатга, камолотга ва иззат икромга ўз касб-ҳунари туфайли эга бўлади. Ўқитувчи ва ота-оналарнинг саъиि-ҳаракатлари туфайли (касбга йўналтириш, касблар ҳақида маълумотлар бериш, тарғибот ишлари ва х.к.) унда ўзининг келажакдаги касбини белгилаб олиш интилиши пайдо бўлади, касбни ўйлаб танлайдилар, нима учун шу касбни танлаганликларини аослаб берадилар ва ўз хоҳиш- истакларига кўра ўқишининг З йиллик таълимга асосланган академик лицей ёки касб-ҳунар колледжларини танлайдилар.

Минг-минглаб касблар бор, лекин муайян меҳнат турига индивидуал мойиллик билан унга бўлган қобилият ва унинг ижтимоий аҳамиятига юқори баҳо бериш (психологлар буни касбнинг социал мавқеи деб атайдилар) қўйилгандаги касб кишига маънавий қониқиши беришини илк ўспириналарнинг кўпи англаб етадилар.

Илк ўспириналар учун характерли хусусият – касбларга кескин танлаб муносабатда бўлишdir. Уларнинг кўплари айрим касбларни юқори баҳолайдилар, ўқувчиларнинг кўз ўнгида бу касбларнинг ижтимоий мавқеи жуда улуғdir, бошқа касбларнинг ижтимоий мавқеи ниҳоятда паст. Лекин муаммо шундаки, кўпгина касбларнинг бундай мавқелиги жамият учун, мамлакатимиз халқ хўжалиги учун реал аҳамиятга эга бўлмайди.

Лицей ёки касб-хунар коллежларига кириб таълим олаётган илк ўспириналарнинг ҳаммаси ҳам ўзининг келажакдаги касбини қатъий танлаб олган деб айта олмаймиз. Кузатувлардан кўринадики, ўқувчилар ўзининг келажакдаги касбини қатъий белгилаб олишлари етарлича якунланмаган, ўқувчиларнинг айримлари ўз келажаги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас. “Мен қайси касбнинг қизиқарли эканлигини билмайман, коллежга эса уйимизга яқин бўлгани туфайли танляяпман” (айримларини акам ўқиганлиги ёки ота-онам тавсияси билан) деб кўрсатганлар. “Яна ўқимоқчиман, лекин қаерга киришни ўйлаб кўрганим йўқ”, деб айримлари фикр билдирганлар. Ўқувчилар келажакларини, ўз имкониятларини тўғри белгилаб олган кўпгина ҳолар ҳам маълум.

Илк ўспириналарда касб танлаш ниманинг таъсири остида рўй беради? Бундай танлашнинг мотивлари нима?

Социологик тадқиқотлар ўспириналарда ўзларининг келажакдаги касбларига қизиқиши тарбиялашда ўқув юрти ва ўқитувчилар маълум даражада роль ўйнашларини кўрсатади. Ўтказилган тадқиқотлар маълумотларига кўра, сўраб чиқилган лицей ва коллеж ўқувчиларининг 40-50% келажакдаги касбини танлашга бирор ўқув предметига бўлган қизиқишлари сабаб бўлганини айтади. Кўпгина ўқувчилар халқ хўжалиги учун зарур бўлган касбларни танлайдилар. Бунга Ватанга фойда келтириш истагини сабаб қилиб кўрсатадилар, лекин бу касбларни ўзларининг индивидуал хусусиятларига, қобилиятларига мувофиқ келишини ҳисобга олмайдилар. Ўқувчиларнинг кўпчилик қисми касб танлашга мотив қилиб ўз қобилиятларини кўрсатадилар. (қобилиятлари ҳақида ўзлаштиришлари, материални осон эгаллашлари, мактабдан ташқари машғулотларнинг муваффақиятли бориши ва ҳоказоларга қараб фикр юритадилар) Кўп ўқувчилар оилавий анъаналар мавжудлигини (соф

ташқи сабаб) моддий – майший таъминганлик сабабини, дўстлари ва ўртоқларидан намуна олганлигини мотив қилиб кўрсатиб ўтадилар. Айrim ҳолларда иш жойи ёки олий ўқув юртининг уйга яқинлиги, “бу ерга киришнинг осонлиги” мотив бўлган. Психологик тадқиқотлар битирувчилар касб танлаш вақтида йўл қўядиган типик хатоларни аниқлаб берди, бу хатолар: 1) бирор касбнинг “мавқели эканлигига” баҳо беришдаги бидъатлар (ўспирин йигитлар хайдовчилик, боғбонлик, чорвадорликни эмас балки банқда кассир, АЁҚШ да ишчи, меҳмонхоналарда официант бўлиб ишлишни афзал кўрадилар) 2) Касбга узоқ ва ноаниқ тасаввурга мувофиқ баҳо бериш, (кўпинча касбни ўқув фани билан бир нарсага ўхшатадилар); 3) бирор касб эгаси бўлган кишига нисбатан ижобий ёки салбий муносабатда бўлишни тегишли касбга кўчириш; 4) касбнинг оддий кундалик томонини назар писанд қилмай, унинг ташқи томонга маҳлиё бўлиш; 5) ўртоқларининг таъсири остида “компания” учун касб танлаш.

Кўпдан кўп тадқиқот натижаларига асосланиб ўспирин ёшларнинг касб танлашга тўла тўқис тайёрлиги тўғрисида гапириб бўлмайди, деб хулоса чиқаришга тўғри келади, чунки биринчидан ўспириналар кўп касблар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаганликлари сабабли уларни тўғри танлаб олмайдилар. Мазкур касб одамнинг сифатлариға қандай талаблар қўйишни ҳам билмайдилар. Иккинчидан, улар ўзларининг бирор касбга лаёкатли эканликларини ҳамма вақт ҳам объектив аниқлай олмайдилар.

Демак, ўқитувчилар, айниқса психолог ўспириналарда касб танлашдан иборат ҳаётий муаммо албатта пайдо бўлишини, давлат, жамиятнинг манфаатлари, эҳтиёжларини шахсий мойиллик ва қобилиятларни ҳисобга олган ҳолда уларга касбни анча мақсадга мувофиқ ҳолда танлашда ёрдам бериши зарур.

Ўспириналарни касб танлашга йўллаш муаммосини маҳсус ўқув юртлари жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасалар, ишга жойлаштириш органлари билан биргаликда ҳал этишлари мақсадга мувофиқдир. Аввало ўқувчиларга касбларни яхши билиб олишда ёрдам бериш, бунинг учун касблар ҳақида жуда хилма-хил ахборот манбаларидан фойдаланиш, (“кам мавқели” касбларни ҳам тарғиб қилиш) турли касб эгалари билан учрашувлар, корхоналар ва олий ўқув юртларига экспурсиялар, очик эшиклар куни, китоб кўргазмалари, кутубхоналарда маълумотлар тизими ва ҳоказолар ташкил этиш лозим.

Ўспириналар касбни онгли равишда танлаш вақтида, биринчидан ҳалқ хўжалигининг у ёки бу меҳнат турига бўлган эҳтиёжини, иккинчидан, ўз мойиллиги ва қобилиятларини ҳисобга олиш, ўз

шахсий сифатлари у ёки бу касбга қўядиган талабларга қанчалик мувофиқ келишини, бу жиҳатдан тўғри келмайдиган хусусиятлар (хусусан, ўз асаб тизими хусусиятлари, анализаторлар характеристикиси, қўриш ва эшитиш анализаторлари, эмоционал–иродавий соҳалар ва ҳоказолар) бор йўқлигини ҳисобга олиш зарурлигини тушунишлари лозим.

Лицей ва касб–хунар коллажлари ўспириналарининг профессионал қобилиятлари ва профессионал лаёқати тўғрисида хulosса чиқариб бериш имкониятига эга эмас, лекин ўқитувчилар ва психологлар уларга ўз қобилиятлари, хаваслари қизиқишлари, билими, малака ва кўнилмаларига, битирудвчиларнинг характеристига, одамлар билан мумомалада бўла олишига, жисмоний имкониятларига баҳо беришда ёрдам кўрсата оладилар.

Хulosса қилиб айтсак бугунги кунда боболаримиз орзу қилган БАРКАМОЛ АВЛОД ни тарбиялаш, шакллантириш учун Давлат Дастури ишлаб чиқилиб, у давлат сиёсати даражасида босқичмабосқич амалга оширилмоқда. Юртимизни азалдан донолар юти деб ҳамиша фахрланиб келамиз: Ином Бухорий, Ибн Сино, Форобий, Беруний, Фарғоний, Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломаларимиз ўзларини ёрқин истеъдодларини жуда ёшлик чоғлариданоқ намоён қилганлар. Шунинг учун буюклиқ, юксак истеъдод эгаси бўлиш қонимизда бўлиб ҳозирги кунда кўплаб иқтидорли болаларнинг етишиб чиқаётганлиги бежиз эмас.

Бугунги маърифатли жамият, баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинди. Унинг амалга оширилиши аввало мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитни янада яхшиланишига олиб келади, жамиятимизда янги шахслар – комил инсонлар вужудга келади, ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Зоро, ҳар бир инсон вояга етиш арафасиданоқ жамиятда ўз ўрнини топа олиши ва белгилай билиши лозим.

Ҳозирги кунда республикамиизда кўплаб лицей ва касб–хунар коллажлари фаолият кўрсатяпти, табиийки, бу жараён йилдан–йилга такомиллашиб бормоқда. Ўзи хоҳлаган, кўнглидаги касб бўйича ишлаган ёшларимизда танлаган ишидан, ҳаётидан қониқиш ҳиссини пайдо қиласи, албатта. Табиийки, жамиятдаги ҳар бир шахс, ҳар бир ёш йигит–қизни тўла намоён этишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Агар ҳар бир ўспирин ўз имконияти ва истеъдодини ўзининг, оиласининг фаровонлиги учун, халқи, юти учун сарф этса, жамиятимиз нақадар юксак даражага эришишини тасаввур этиш қийин эмас.

Қобилятларининг ривожланишида қизиқишларнинг аҳамияти каттадир. Ўқувчининг қизиқиши, хоҳиши, лаёқати, иқтидори, истеъдодини ўз вақтида аниқлаб олиш, уни ривожлантириш синф раҳбари, амалиётчи психолог томонидан олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

ГЛОССАРИЙ – ИЗОХЛИ ЛУҒАТ

Адекватлик – тенг, ўхшаш, мувофик келмоқ.

Anатия – кишининг теварак атрофдаги оламга нисбатан бефарқлик холати.

Астеник – шахснинг фаоллигини сусайтирувчи кечинмалар.

Аудивизуал идрок – шахснинг бир вақтнинг ўзида ҳам эшишиб, ҳам кўриб идрок қилиши.

Аутоген машқ – шахснинг ўз-ўзини ишонтириш ва ўз-ўзини идора қилишга асосланган психотерапевтик усул.

Аффект – кучли, жўшқин ва нисбатан қисқа муддатли эмоционал кечинмалар сифатида рўй берадиган психологик ҳолат.

“Агрессив тип” – ўзгалар билан мулоқотдан ҳамиша манфаатдор, бошқалардан доимо устун бўлишлари керак бўлган, жанжаллашишдан ҳам тоймайдиган тип.

“Бегоналашган тип” – ўзгалардан узоқроқ юриш маъқул бўлган, гуруҳларда ишлашдан кўра ёлғиз ишлашни, ўқиши афзал кўрадиган тип.

Биографик метод – одамни унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган хужжатлар орқали ўрганиш усули.

Брейншорминг – ақлга хужум – баҳсларни ташкил этишда қўлланиладиган интерфаол усулдир.

Вербал – оғзаки ифодаланган нутқ.

Генотип – ота-онадан фарзандга ўтадиган ирсий белгилар мажмуи.

Гностик – бутун борлиқни билишга йўналтирилган фаолият.

Гуруҳ – бу умумий белгилар, умумий фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирлашган кишилар уюшмаси

Гуруҳнинг динамик жараёнлари - унинг шаклланиш жараёни, лидерлик ва гуруҳда турли қарорларни қабул қилиш жараёни, гуруҳнинг ҳар бир шахсга таъсири.

Дунёқараи – одамнинг теварак-атрофдаги одамга ва унда ўзининг тутган ўрнига қарашларидан келиб чиқсан тизим. Унинг фалсафий, сиёсий, илмий, диний, ақлий ва эстетик қарашлари йиғиндиси.

Депрессия – тушкунлик кайфияти.

Дикқатнинг барқарорлиги – дикқатнинг маълум обьектга узоқ вақт давомида муттасил қаратилиши.

Дикқатнинг кўлами – бир вақтнинг ўзида дикқатнинг бир қанча обьектга қаратилиши имконияти.

Диалогик нутқ – нутқ турларидан бўлиб, бунда сўзловчилар баробар тенг, биргаликда фаоллик кўрсатади.

Доминант шахс – бошқалар билан муомала ва муносабат ўрнатишда ўз фикрини ўтказиш хислатининг ёрқин намоён бўлиши.

Ёши психологияси – турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Ёши даври низолари – ўзига хос, унча узоқса чўзилмайдиган онтогенез даврлари бўлиб, бу вақтда кескин психик ўзгаришлар юз беради.

“Ёпишиқоқ, киришиимли шахс” – унда ўзгалар билан мулоқотга киришиш эҳтиёжи ўта кучли, кимни кўрса у билан дўстлашиб кетгиси, ўзини ёқтириргиси, суюкли бўлишни хохловчи, унга доимой эътиборли бўлишлари, ғамхўрлик кўрсатишларини истайдиган тип.

Ёлгизланиш – жамиятдан ўзини олиб қочиш, ўзидаги ўзгаришларни бошқаларга билдирамасликка интилиш.

Жамоа – мақсадлари жамият мақсадига мс келадиган умумий фаолият билан бирлашган одамлар гурухи.

Зиддиятли, низоли шахс – хулқи билан мотивлари ўртасида доимо қарама-қаршилик кузатиладиган, одамлардан кўпроқ камчилик қидириб, ўзидаги нуқсонларни тан олмайдиган инсон.

Индивидуаллик – индивиднинг бошқалардан фарқланадиган ижтимоий хусусиятлари ва психикасининг ўзига хослиги, қайтарилмаслиги.

Истеъодод – шахснинг маълум фаолиятда ифодаланадиган қобилиятигининг юқори даражаси.

Ижтимоийлашув - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни.

Ижтимоий тасаввурлар – шахсга жамият орқали таъсир этган нарса ва ходисаларнинг яққол образи.

Интерактив – шахслараро муносабатларда бир-бирига хулқ-атвор таъсир кўрсатиш жараёни.

Интроверт шахс - шахснинг хар қандай шароит ва холатларида ўз ичидаги кечеётган фикрларини баён этиш эҳтиёжининг ниҳоятда пастлиги.

Ишонтириш – бирор хулқ намунаси ёки фикрга ўзгаларни деярли онгиз ва танқидсиз эргашишига эришиш.

Идентификация - сухбатдошлар бир-бирларини тўғрироқ идрок қилиш учун ўзларини бир-бирларининг ўрнига қўйиб қўйишга ҳаракат қилиши.

Ижтимоий норма – шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ-атворига, кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатларга нисбатан талаблар.

Ижтимоий санкциялар – нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизmlари.

Ижтимоий фацилитация - индивиднинг фаолият маҳсулларига унинг ёнида бўлган бошқа индивидларнинг бевосита таъсири бўлиб, бу

таъсир аввало сенсор кучайишлар ҳамда иш-ҳаракатларнинг, фикрлашларнинг тезлигига намоён бўлади.

Импульсив шахс – ҳамиша ҳиссётларга бериувчан, ўйламай гапириш, бирорларни дилини оғритиб қўйиш кейин эса афсусланиш унга хос тоифадаги инсон.

Ижтимоий хулқ – шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ-авторига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш орқали, ролларни мувофиқлаштириши.

Ижтимоий-психологик мослашув - шахснинг ижтимоий муносабатларга кўнишиши ва мослашиши орқали орттирган тажрибаси умумий ижтимоийлашувнинг бир кўринишидир.

Интеллектуал лидер - грух аъзолари ичида энг билағони, ақл ўргатувчи, топқир.

Иродавий лидер - грухни иш фаолиятга чорлай оладиган, дадил, қатъиятли, иродали.

Йўналиш – шахснинг хатти-ҳаракати ва фаолиятини аниқ шароитлардан қатъи назар маълум йўлга йўналтирувчи барқарор мотивлар йиғиндиси.

Касб – фаолият шакллари бирлашмаси бўлиб, мазмун, воситалар, ташкилотлар, меҳнат натижалари ҳамда меҳнат субъектини тайёрлашга қўйиладиган талаблар мажмуи.

Кузатииш – синалувчини аниқ мақсад, фаолият, вақт, грух билан боғлиқ равища текшириш, ўрганиш, маълумотлар тўплаш методи.

Коммуникатив – шахслараро муносабатларда маълумот, ахборот, ғоялар алмашинуви жараёни.

Кичик грух – аъзолари биргаликдаги фаолият билан шуғулланувчи ва бевосита шахслараро муносабатда бўлувчи кишилар грухи.

Кўникум – одамнинг маълум ишни бажаришга тайёрлигига кўринадиган қобилияти. К. маҳоратнинг асосини ташкил этади.

Конфликт, низо ёки зиддият – бу айрим алоҳида олинган шахс онгида, ёки шахслараро мулоқот жараёнида, грух доирасида ёки грухлараро ўзаро мулоқот ва таъсир пайтларида бирор муаммо, масала ёки қарашлар борасида бир-бирига тўғри келмайдиган, қарама-қарши фикр, қараш ва позицияларнинг тўқнашуви.

Компромисс – бу очик мулоқот ва вазиятни, низокашларнинг хулқ-автори ва фикрларини муҳокама қилиш йўли билан иккала томон учун ҳам маъқул бўлган ечимни қидириш.

Конформизм - (ўзбек тилида “мосланиш” маъносини билдиради), индивиднинг грухда қабул қилинадиган нормалар, фикрлар, хулқ-автор стандартларини қанчалик қабул қилиш ёки қабул қилмаслиги.

Мақсад - бўлғуси натижалар хақида хар доим ақлан ўйлаб қурилган, ривожлантирилган хаёлий тасавурлар, келгусидаги режалар.

Меланхолик - темперамент турларидан бири бўлиб, психик фаолликнинг суст, тез таъсирланувчанлик, хатто арзимаган нарсалар учун ҳам жуда чуқур таъсиротга берилиши билан характерланади.

“Мен” – образи - шахснинг ўзи, ўз хулқ-автори хусусиятлари, жамиятдаги мавқенини тасаввур қилишидан ҳосил бўлган образ.

Монологик нутқ – бир одамнинг ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма равишда ифодалаш нутқи.

Мобил шахс - шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг юқори даражада кузатилиши.

Мотив – маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи сабаб.

Мотивация – одамни фаол фаолиятга ундовчи сабаблар мажмуи.

Мулоқот – одамларнинг биргаликдаги фаолиятлари эҳтиёжларидан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида бир-бирлари билан ўзаро муносабатларга киришиш жараёни.

Муомала маданияти – бу ўринли, аниқ, қисқа, самимий гапириш санъати ва иккинчи томондан, суҳбатдошли тинглаш қобилияти.

Негативизм - индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилиши.

Норасмий – одамларнинг биргаликдаги мулоқот ва фаолиятларида улар орасидаги муносабатларнинг ўзаро ишонч, бир хил қараш ва мақсадларнинг кўзда тутилиши.

Новербал - нутқиз ифодаланган харакат, мимика, холатларнинг бошқа шахсга йўналтирилиши.

Низолар – ўзаро таъсир кўрсатаётган кишиларнинг қарама-қарши туриши, бунда фикрлар, позициялар, қарашлар тескарилиги кузатилади.

Низо турлари – низоларнинг кимлар орасида юзага келишига кўра фарқлари: шахслараро, гуруҳлараро, шахсий, этник, миллий; намоён бўлиш хусусиятига кўра: очиқ, ёпиқ, узоқ муддатли, қисқа; мавқе ёки даражага кўра: вертикал ва горизонтал; йўналишига кўра: деструктив ва конструктив.

Низо босқичлари – уч босқичда, яъни низо олди, низо ва низодан кейинги босқичлар.

Низо ҳал этиши йўллари – комромисс, яъни келишув; жойида ҳал этиш; низодан чекиниш; орқага суриш; қочиш.

Психик ҳолатлар – психик ҳаёт шакллари, диққат, ҳиссиёт, ирода жараёнларига айтилади. П.Х. (хушчақчақлик, рухланиш, сиқилиш, зийраклик, қатъийлик, тиришоқлик в.б.) шахсларда маълум даражада барқарор бўлиб, уларнинг муайян хусусиятига ҳам айланиб қолади.

Психодиагностика – шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқловчи ва ўлчашни ишлаб чиқувчи психология усули.

Психокоррекция – шахснинг психик ривожланишидаги камчиликларни тузатиш усусларини қўллаш жараёни.

Психологик хизмат – психологияни амалиётда қўллаш тизими. У турли соҳаларда диагностика, консультация, экспертиза вазифаларини бажаради.

Психологик маслаҳат - шахснинг турли даражадаги ўз муаммоларини якка тартибда психолог билан таҳлил этишига қаратилган психологик хизмат тури.

Полилог – гурух ичидағи мунозара бўлиб, барча иштирокчилар фаоллашуви кузатилади.

Перцептив томон – шахслараро муносабатларда тушуниш, ҳис этиш, идрок этишга қаратилган жараён.

Профессиография - меҳнат субъектининг фаолият таркиблари (унинг мазмуни, воситалари, шароитлари, ташкилот) билан ўзаро муносабати ва боғлиқлигини ўрганиш ва аниқлашга қаратилган комплекс метод.

Профессиограмма - касбнинг турли объектив характеристикаларининг таснифи.

Психограмма - фаолиятнинг психологик характеристикаларининг таснифи.

Психологик ҳимоя – шахс ички кечинмаларини ифодаловчи шундай ҳолатки, унда одам ички руҳий мұтадилликни асраш учун ўзидаги хавотирланиш, қўркув ва хадиксирашларини босишига, улардан халос бўлишга интилади.

Проекция – ўзидаги ҳиссиёт ва кечинмаларни ташқи объектларга кўчириш орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришга мойиллик.

Расмий – одамларнинг биргаликдаги фаолиятларида, ижтимоий роллар тақсимотида мавқе, мартабанинг инобатга олиниши.

Релаксация - кучли хаяжон ва жисмоний зуриқишидан сўнг енгил юриш, тинчланишининг умумий холати.

Референт гуруҳ – шахснинг ҳар томонлама ишонган, ўзига яқин тутган гурухи.

Ригид шахс – шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг паст даражада кузатилиши.

Сангвиник – темперамент турларидан бўлиб, чаққон, ҳаракатчан, таассуротлари тез ўзгарадиган, бошқаларга нисбатан дилкашлик, меҳрибонлик хислатлари билан характерланади.

Симпатия – бир кишида бошқасига нисбатан кузатиладиган мойиллик ва ёқимлилик ҳисларининг ички намоён бўлиши.

Таълим масканлари психодиагностикаси – шахсни таълим тизимда қобилияти, иқтидори, истеъдодини аниқлаб олиш мақсадида олиб бориладиган психологик хизмат тури.

Тақлиод қилиши – бирор хулқ намунаси ёки турмуш тарзига эргашиш;

Таъсирланиши – бир шахс ҳиссий-эмоционал ҳолатининг ўзга бир шахсга узатилиши жараёни;

Тренинг – машқ қилмок, гурухларда мuloқотнинг самарали ташкил этиш усули бўлиб, шахснинг мuloқотга ўргатиш ва обрўли бўлишини ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

Темперамент – шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари мажмуи бўлиб, у кишида фаолият ва хулқ-авторнинг динамик ва эмоционал томонлари билан характерланади.

Тобе шахс – мuloқот ва бошқа жараёнларда шахсда кўникувчанлик, бошқа кишиларга боғлиқлик, фикрига бўйсуниш хусусиятларининг таркиб топиши.

Юшиганлик - гурух аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлари, ҳаётй принциплари, қадриятларини англашлари.

Установка – йўналиш, кишининг теварак-атрофдаги одамларга ва обьектларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш, уларни идрок қилиш, уларга баҳо бериш ва уларга нисбатан харакатининг тайёрлик ҳолати.

Фаолият – инсонгагина хос, онг билан бошқариладиган эҳтиёжлар туфайли пайдо бўладиган ва ташқи олам билан кишининг ўз-ўзини билишга, уни қайта қуришга йўналтирган фаоллиги.

Фаоллик – тирик материянинг умумий хусусияти, теварак мухит билан ўзаро таъсирда бўлишида намоён бўлади.

Флегматик – темперамент турларидан бири бўлиб, ҳаракатлар секинлиги, барқарорлиги, эмоционал ҳолатларнинг ташқи кўринишлари кучли эмаслигига намоён бўлади.

Характер – кишидаги барқарор психик хусусиятларининг индивидуал бирлиги бўлиб, шахснинг меҳнатга, нарса ва ходисаларга, ўзига ва бошқа кишиларга муносабатларида намоён бўлади.

Холерик – темперамент тури бўлиб, хиссиёт жўшқинлиги, кайфиятнинг тезда ўзгариши, хиссиётнинг мувозанатсизлиги ва умуман харакатчанлиги билан ажralиб туриши хосдир.

Халоллик - шахсий ва ижтимоий мажбуриятларни, ахлоқий меъёрларни ростгуйлик билан саклаш.

Хасад - ўзгаларнинг муваффақиятларини кўра олмасликдан келиб чиқадиган туйғу.

Шахс ижтимоийлашуви - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт-фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш

жараёнидир.

Шахслараро муносабат – мулокот жараёнидаги ўзаро таъсир этиш натижасида рўй берадиган ижтимоий-психологик ҳодисалар.

Шахснинг ўзига алоқадор бўлган ички низолар – асосан бир инсон қалбидаги турли ҳис-кечинмалар, истак-ҳохишлар ва мотивларнинг бир бирига зид келиши, қарама-қарши фикрларнинг пайдо бўлиши оқибатида юзага келувчи низо.

Шахс ва гуруҳ ўртасида содир бўладиган низолар - одатда бир шахс қарашлари, хатти-ҳаракатининг у мансуб бўлган ёки иши тушган гурухнинг нормалари, хулқ-автор маромларига зид келиши, шахс кутишларининг гурух нормаларидан оғиши.

Шахслараро низо – бир ёки бир неча конкрет шахсларнинг ўзаро ёки гурух доирасидаги зиддият.

Шахс динамикаси - кишининг онтогенетик ривожланишини ўз ичига олган холда субъектнинг хусусиятлари ва сифатининг вақтга нисбатан ўзга-риш жараёни.

Шахсий фазилат - шахс томонидан ўзининг ахлоқий, руҳий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий ахамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиш хусусияти.

Эгоцентризм – мен, марказ маъносида индивидуализм ва эгоизмнинг энг тубан тури.

Эмпатия – бошқа одамларнинг психик холатини тушуниш қобилияти.

Эмоция – одам ва ҳайвонларнинг субъектив ифодаланган ички ва ташқи қўзғоловчилар таъсирига жавоб реакцияси.

Экстроверт шахс – шахснинг хар қандай шароит ва холатларида ўз ичидаги кечеётган фикрларини баён этиш эҳтиёжининг юқорилиги.

Эътиқод - шахс амал қиласидаган билим, тамойил ва ҳодисаларнинг қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-мухитга хамда ўзининг хатти-харакатларига бўлган субъектив муносабати.

Эҳтиёж - индивиднинг бирор нарса-ҳодисага муҳтоҷлиги ва кишининг руҳий қуввати хамда фаоллиги манбаи ҳисобланадиган асосий хусусияти.

Эмоционал лидер - гуруҳ ичидаги ҳазилкаш, дилгир, хушчақчақ, кўнгил сўровчи, ўзгаларни тушуна оладиган;

Ўқииш – шахснинг билим ва фаолият усулларини эгаллашга хамда уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш жараёни.

Ўйин – фаолиятнинг бир тури бўлиб, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва бунёд этишга, ўз хатти-харакатларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Ўз-ўзини баҳолаи - шахснинг ўз психологик сифатлари, хулқи,

ютуқлари ва муваффақиятсизликлари, қадр-қиммати, камчиликларини баҳолай олиши.

Қизиқиши - шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналишининг онгли шакли.

Қобилият – шахснинг маълум фаолиятидаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирор фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият.

ИЛОВА

Ушбу методика Айзенк тест сўровномаси асосида тузилган.

Бу методикани қаерда қўллаш мумкин?

Биринчидан, улар академик лицей ёки касб-хунар коллежига ўқиши учун келган талабаларга ўз шахсий йўналишини тўгри белгилашларига ёрдам беришида қўл келади.

Иккинчидан, улар ўқитиши самарадорлигини ошириши мақсадида қўлланилиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчилар қобилиятини, қизиқишларини аниқлаб, ундан ўз дарсларида фойдаланиши мумкин.

Тестни тўгри қўллаш учун қўйидаги шартларга қатъий амал қилинади:

1. Ажратилган вақт бирлигига (80 та савол учун 40 дақиқа) қатъий риоя қилиш.
2. Синалувчининг савол мазмунини тўғри идрок этишига ва тушунишига эришиш.
3. Жавоблар синалувчининг мустақил фикрига асосланганлигига эришиш.
4. Саволларга берилган жавобларни ишлаб чиқиш (100 баллик тизим асосида).

Синалувчи саволларни диққат билан ўқиб чиқади. Қайси савол ўзи ҳақида кетаётганига ишонч ҳосил қиласа, шу саволга белги қўяди, қолган саволларга ҳеч қандай белги қўймайди. Синалувчи саволларга шошилмасдан, очиқ-ойдин ва тўғри жавоб бериши лозим. Белгиланган саволларнинг кам ёки кўплиги муҳим эмас. Синалувчидаги “Канча кўп саволларни белгиласам, шунча ижобий жавоб оламан” деган фикр түгилмаслиги керак.

Саволлар:

1. Ўйлаётгандарингизни яхши баён этиб бера оласизми?
2. Тажриба ва синовлар ўтказишни яхши кўрасизми?
3. Карта ёки чизма ёрдамида исталган манзилгоҳни қийналмасдан топа оласизми?
4. Ўзингизга таниш куй остида қўшиқ куйлай оласизми?
5. Арғимчоқда учишни ёқтирасизми?
6. Уйда ёлғиз ўтиришдан кўра дўстларингиз билан сухбатлашиш афзалми?
7. Ҳайвонларга озор бермай, яхши муносабатда бўласизми?
8. Ёлғизликни, хаёл суриб юришни ёқтирасизми?
9. Сиз адабиётга қизиқасизми?
10. Суратга туширишни ёқтирасизми?
11. Қиладиган ишларингизни олдиндан ён дафтарингизга ёзиб қўясизми?

12. Ўзингиз ёқтирган қўшиқларни тез-тез ҳиргойи қилиб турасизми?
13. Ўзингизнинг кучли ва кучсиз томонларингизни яхши биласизми?
14. Бошқаларнинг маслаҳатига қулоқ тутмай, мустақил қарор қабул қила оласизми?
15. Кўпгина масалаларда бошқаларга маслаҳат бера оласизми?
16. Психология билан қизиқасизми?
17. Ҳазил-мутойибани ёқтирасизми?
18. Ранг-баранг безатилган китобларни яхши кўрасизми?
19. Одамларнинг хатти-харакатларини кузатиб юрасизми?
20. Ҳар хил имо-ишоралар ва харакатларни яхши эслаб қоласизми?
21. Спортга қизиқасизми?
22. Қийналмасдан бир гурӯҳ одамларни бошқара оласизми?
23. Дунёвий муаммоларга, масалан, экологияга қизиқасизми?
24. Саёҳатга, балиқ овига боришини ёқтирасизми?
25. Ҳар хил сўз ўйинларини ва топишмоқлар топишни ёқтирасизми?
26. Нарсалар билан рақамлар орасидаги боғланишни аниқлай оласизми?
27. Ёш болалар билан ўйин ўйнашни ёқтирасизми?
28. Югуришдан кўра футбол, волейбол, баскетбол ўйнаш маъқулми?
29. Гулларнинг номини ёддан биласизми?
30. Тоққа чиқишини ёқтирасизми?
31. Тез-тез мусиқа эшитиб турасизми?
32. Нарсаларни бузиб, бошқатдан теришни яхши кўрасизми?
33. Радио, телевизордан эшитган маълумотларни яхши эслаб қоласизми?
34. Ўз фикрингизни баён қилганда расм ва чизмалардан фойдаланасизми?
35. Ҳисоб-китоб ишларини яхши олиб борасизми?
36. Ўйинга тушишни яхши кўрасизми?
37. Тез-тез бармоқларингиз ёрдамида мусиқа “чалиб” турасизми?
38. Энг яқин дўстларингиз борми?
39. Ҳаётингиз ҳақида ўйлаб турасизми?
40. Ўзингизни “фермер” сифатида тасаввур қила оласизми?
41. Шахсий ташвишлар сизни кўпроқ қизиқтирадими?
42. Бирор нарсани ҳал этишда дўстларингиз билан маслаҳатлашасизми?
43. Шахмат ўйнашни ёқтирасизми?
44. Нарсаларнинг келажакда қандай бўлишини тасаввур қила оласизми?
45. Мусиқа асбобида куй ижро эта оласизми?

46. Нарса ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишингиз учун уни ушлаб кўришингиз шартми?
47. Баҳслашганда ўз фикрингизни қатъият билан ҳимоя қиласизми?
48. Йўлда бирор куйни ҳуштак орқали чалиб юрасизми?
49. Экология қозирги қуннинг энг асосий муаммосими?
50. Бирор жамоа, гурух ёки қўмита таркибида бўлишни хоҳлойсизми?
51. Бошқалар билмайдиган қизиқиш, хоббингиз борми?
52. Нарсаларнинг моҳиятини баҳолаш учун уларни турли гуруҳларга ажратасизми?
53. Сиз расмлар томоша қилишни ёқтирасизми?
54. Сўзлашаётганда имо-ишораларни кўп ишлатасизми?
55. Кўзингиз тушган ҳамма ёзувларни, ҳатто буюмларнинг этикеткаларини ҳам ўқийсизми?
56. Мантиқий ўйинларни яхши кўрасизми?
57. Тушунтиргандаги мисоллар келтирасизми?
58. Одамнинг ҳамма аъзолари қаерда жойлашганини яхши биласизми?
59. Келишмовчилик ва жанжалларни ҳал қила оласизми?
60. Доим бирор нарсани ўрганишни ўйлаб юрасизми?
61. Бир марта эшитган куйингизни эслаб қоласизми?
62. Билимларни тажриба ва синов орқали ўзлаштирасизми?
63. Сўзлашганда китобларда ўқиган образлардан фойдаланасизми?
64. Алгебрадан кўра геометрия сизга қўпроқ ёқадими?
65. Компьютер билан ишлашни ёқтирасизми?
66. Машхур актёрларнинг гапларини ўзларига ўҳшатиб айтишни, яъни тақлид қилишни ёқтирасизми?
67. Ҳаётингизни қўшиқсиз тасаввур қила оласизми?
68. Тўйларда қатнашишни ёқтирасизми?
69. Планеталарнинг номларини биласизми?
70. Кундалик юритасизми?
71. Уй ҳайвонларига овқат беришни ёқтирасизми?
72. Ҳаётингизда бирор нарсага эришиш учун ҳамма нарсага тайёрмисиз?
73. Ўсимликларга сув қуишини ёқтирасизми?
74. Тез-тез концертларга бориб турасизми?
75. Йўлда ўз шаҳсий муаммоларингиз ҳақида ўйлаб юрасизми?
76. Математикани яхши кўрасизми?
77. Дарс пайтида дафтaringизга баъзи нарсаларнинг расмини чизиб ўтирасизми?
78. Жуда кўп сўзларнинг маъносини биласизми?
79. Овоз чиқариб фикрлашни ёқтирасизми?

80. Одамлар қийналганда сиздан маслаҳат сўраб туришадими?

Энди бу саволларга жаволарни баҳолаш устидаги тўхтамализ. Синалувчи ўзи белгилаган савол номерларини қуйидаги жадвалда “доира” ичига олиб чиқади.

A	B	C	D	E	F	G	H
1	2	3	4	5	6	7	8
9	11	10	14	12	13	15	16
17	19	18	21	20	24	22	23
25	26	32	27	31	30	28	29
33	35	34	36	37	39	38	40
47	43	44	46	45	41	42	49
55	52	53	54	48	51	50	58
63	57	56	61	62	60	59	69
78	65	64	66	67	70	68	71
79	76	77	75	74	72	80	73

Қайси устунда 8 тадан 10 тагача “доира”лар бўлса, синалувчида ўша қобилият устун бўлади. Қайси қобилиятнинг устунлигига қараб, ўқувчининг нимага қизиқиши ҳақида сўз юритиш мумкин.

A - лингвистик қобилият. Бундай қобилияти кишиларда ўқишига, шеъриятга, баҳс-мунозараларга, ҳазил-хажвия ва ҳикояларга қизиқиш кучли бўлади.

B - математик қобилият. Бу қобилияти устун бўлган кишилар абстракт белгилар, формуласлар, рақамлар билан ишлашни ёқтиришади.

C - қўриш қобилияти. Бу қобилиятга эга кишиларда тасвирий санъатга, ҳайкалтарошлиқ ва чизмачиликка қизиқиш катта бўлади.

D - кинетик қобилият. Бу қобилият эгалари рақс, рол ижро этиш, жисмоний машқлар, спорт ўйинлари ва драмага қизиқадилар.

E - табиатсеварлик қобилияти. Бу қобилият эгалари сайру-саёҳатга, эккурсияларга кўпроқ қизиқади.

F - мусиқий қобилият. Бу қобилият эгалари қўшиқ айтишни, мусиқа чалишни, жўр бўлишни яхши қўрадилар.

G - сұхбатдошлиқ қобилияти. Бу қобилият соҳиблари ҳамдард, ҳамкор, ҳушмуомала бўлишни, биргаликда турли лойиҳалар яратишни хуш қўришади.

H - фикрлаш қобилияти. Бу қобилият эгалари доим фикрини бир жойга йиғиб тўплай олади, яхши ва чуқур фикрлайди, хаёл суреб юришни яхши қўришади.

Дифференциал-диагностик сўровнома

Кўрсатма: Фараз қиласлик тегишли таълимни олганингиздан сўнг, Сиз ҳар қандай ишни бажара оладиган бўласиз. Агар Сизга таклиф

қилинган икки имкониятдан фақат бирини (улардан бири ёки иккаласининг ҳам сизга ёқиши ёки ёқмаслигидан қатъий назар) танлашингизга тўғри келгундек бўлса, унда Сиз қайси бирини маъқул кўрган бўлардингиз?

“Мен маъқул кўраман”.

1а	Ҳайвонларга қараш (уларни боқиш, парвариш қилиш).	ёки 1б	машина ва ускуналарга қараш
2а	Бемор кишиларга ёрдам бериш, уларни даволаш	ёки 2б	жадвал, чизма ва ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузиш
3а	Китоб безаклари, бадиий открыткалар, расм ва плакатлар сифатини назорат қилиш	ёки 3б	ўсимликлар ҳолати ва ривожини кузатиш, парвариш қилиш
4а	материалларни қайта ишлаш (ёғоч, газлама, металл, пластмасса ва бошқалар)	ёки 4б	товарларни ҳаридорга етказиш (реклама қилиш, сотиш)
5а	Илмий - оммабоп китоб, мақолаларни муҳокама қилиш	ёки 5б	бадиий асар (пьеса, концертлар)ни муҳокама қилиш
6а	Бирон-бир кичик ҳайвонни боқиш, парвариш қилиш	ёки 6б	Малакаларни орттириш борасида ўртоқлар, кичик ёшлиларни машқ қилдириш
7а	расм ва тасвиirlардан нусхалар кўчириш(ёки мусиқа асбобларини тузатиш)	ёки 7б	Юк кўтарувчи воситани (кран, трактор, тепловоз) бошқариш
8а	одамларга керакли маълумотларни бериш, тушунтириш (маълумотлар бюросида, саёхатларда)	ёки 8б	кўргазма, пештахталарни безашда (пьеса ёки концертлар тайёрлашда) иштирок этиш
9а	буюмлар, нарсалар, маҳсулотларни (кийим, техника) уй-жойларни таъмирлаш, тузатиш	ёки 9б	матнлар, жадваллар, расмлардаги хатоларни қидириб топиш ва тўғрилаш
10а	ҳайвонларни даволаш	ёки 10б	ҳисоб-китоб ишларини бажариш
11а	ўсимликларнинг янги	ёки	саноат маҳсулотларининг

	навларини яратиш	11б	янги турларини лойихалаш, яратиш
12а	одамлар ўргасидаги низо, жанжалларни ҳал қилиш (уларни ишонтириш, тушунтириш, рағбатлантириш)	ёки 12б	чизмалар, расмлар ва жадвалларни таҳлил қилиш (текшириш, аниқлаш, түғрилаш)
13а	Бадий ҳаваскорлик түгараги ишида қатнашиш, кузатиш, ўрганиш	ёки 13б	микроблар ҳаётини кузатиш ва ўрганиш
14а	Тиббиёт асбоб-ускуналариға ҳизмат күрсатиш	ёки 14б	одамларга тиббий ёрдам күрсатиш
15а	кузатилаётган ҳодисалар, воеалар түғрисида тафсилотлар ёзиш	ёки 15б	воқеаларни бадий ифодалаш
16а	касалхонада лаборатория анализларини ўтказиш	ёки 16б	касалларни қабул қилиш, улар билан сұхбатлашиш, ташхис қўйиш
17а	Хона деворларини ва деталлар сиртини бўяш ва безаш, расмлар солиш	ёки 17б	биноларни монтаж қилиш, машина ҳамда ускуналарни йиғишиш
18а	тенгқурлар ёки кичик ёшдаги болалар билан саёҳатлар уюштириш	ёки 18б	саҳнада ўйнаш, концертларда иштирок этиш
19а	Чизмаларга қараб машиналарни, кийимларни тайёрлаш, уйлар қуриш	ёки 19б	Чизмачилик билан шуғулланиш, хариталардан нусхалар кўчириш
20а	Ўсимликлар касалликлари, боғ- ўрмон ҳашоратларига қарши курашиш	ёки 20б	клавишли машиналарда ишлаш (ёзув машинкаси, телетайп, терув машинаси)

ДДС нинг жавоб варақаси.

О-Тт	О-Та	О-О	О-Бс	О-Бо
1а	1б	2а	2б	3а
3б	4а	4б	5а	5б
6а		6б		7а
	7б	8а		8б

	9а		9б	
10а			10б	
11а	11б	12а	12б	13а
13б	14а	14б	15а	15б
16а		16б		17а
	17б	18а		18б
	19а		19б	
20а			20б	

Иштирокчиларга жавоб варақаси тарқатилади ва улар ўз жавобларини тегишли рақам ва ҳарфни доира ичиға олиш билан белгилайдилар. Шу жавоб варақаси ўз навбатида калит вазифасини ҳам бажаради. ДДС саволлари шундай тартибда гурухланганки, уларга берилган жавоблар фаолиятнинг турли соҳаларини фарқлаш имконини беради. Бу ўринда касб турлари шартли равишда қўйидагича қисқартириб олинган:

- 1 устунда “Одам -табиат”- **О-Тт;**
- 2 устунда “Одам -техника” – **О-Та;**
- 3 устунда “Одам- одам”- **О-О;**
- 4 устунда “Одам-белгилар системаси”- **О-Бс;**
- 5 устунда “Одам- Бадий образ”- **О-Бо.**

У ёки бу устунда ижобий, яъни калитга мос келган жавобларнинг кўп бўлиши шахснинг шу касбга мойиллигини билдиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. - Тошкент: Ўзбекистон, 2013. - 64 б.
2. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. - 80 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: «Маънавият», 2008 й
4. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т., 1997. 29 август.
5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Т., 1997. 29 август.
6. Акрамова Ф.А. Инсоний муносабатлар психологияси. – Т.: Шамс-А, 2005. – 68б.
7. Аллахвердов В.М., Богданова С.И. и др. Психология: Учебник. 2-е изд. / Отв. ред. Крилов А.А. Перераб. и доп. – М.: ТК. Велби, Проспект, 2004. – 752 с.
8. Басова Н.В. Педагогика и практическая психология. – М.: Феникс, 2000, 45-61 с.
9. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика: Учебник.2-е изд.- СПБ.: Питер, 2009.-384 с.2 экз.
10. Глуханюк Н.С. Практикум по психодиагностике: Учеб. пособ. 3-е изд., испр.- М.: Московского психолого-социального института; Воронеж НПО «МОДЕК» , 2006.-208 с.
11. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. – Т., 2002, 55-бет.
12. Дружинина В. Психология. – СПб.: Питер, 2003, -56 с.
13. Еникеев М.И. Общая и социальная психология: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2005. – 624 с.
14. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси // Ўқув қўлланма. – Т., 2006.-142 б.
15. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Маъruzalар матни. – ТДИУ, 2005. – 210 б.
16. Каримова В.М. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: А.Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, “ЎАЖБНТ” маркази, 2002. – 205 б.
17. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. “Психология”. 1-қисм. Маъruzalар матни. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 208 б.

18. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. “Психология”. 2-қисм. Маъruzалар матни. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 125 б.
19. Каримова В.М., Суннатова Р.И., Тожибоева Р.Н. Мустақил фикрлаш: (Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллажлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма) / – Т.: Шарқ, 2000. – 112 б.
20. Шоумаров Ф.Б. Оила психологияси: Академик лицей ва касб-ҳунар коллажлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. / Ф.Б. Шоумаров таҳрири остида / – Тошкент: “Шарқ”, 2008. – 296 б.
21. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2010. – 544 б.
22. Давлетшин М.Г. «Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси». – Т., 1999 й. Дўстмуҳамедова Ш.А. Ўқитувчиларнинг ўқув фаолиятларини бошқариш психологияси. – Т., 2000 й.
23. Акрамова Ф.А. Инсоний муносабатлар психологияси. – Т.: Шамс-А, 2005. – 686.
24. Болотова А.К. Прикладная психология: Учебник для вузов / А.К. Болотова. – М.: Гардарики, 2006.
25. Бороздина Г.В. Психология делового общения: Учебник. – 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 295 с.
26. Бордовская Н.В., Реан А.А. Педагогика и психология. Учебник для вузов. –СПб, Питер, 2007, 504 с.
27. Ефимова Н.С. Психология общения. Практикум по психологии: Учебное пособие. – М.: ИД “ФОРУМ”: ИНФРА-М. 2006. – 192 с.
28. Еникеев М.И. Общая и социальная психология: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2005. – 624 с.
29. Зароченцев К.Д., Худякова А.И. Экспериментальная психология: Учебник. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 208 с.
30. Ибрагимов Х.И., Йўлдошев У.А., Бобомирзаев Х. Педагогик психология. Ўқув қўлланма. Т., 2009 й. 400б.
31. Каримова В.М. Аудиторияда баҳс-мунозарали дарсларни ташкил этишнинг психологик технологияси. – Т.: 2000.
32. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт: Университетлар ва педагогика институтлари учун ўқув қўлланма. – Т.: “Университет”, 1999. – 96 б.
33. Каримова В.М. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: А.Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, “ЎАЖБНТ” маркази, 2002. – 205 б.
34. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. “Психология”. 1-қисм. Маъruzалар матни. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 208 б.
35. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. “Психология”. 2-қисм. Маъruzалар матни. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 125 б.

36. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Иқтисодий психология. Маъruzалар матни. – Т.: ТДИУ Талаба, 2005.
37. Каримова В.М., Суннатова Р.И., Тожибоева Р.Н. Мустақил фикрлаш: (Академик лисейлар ва касб-хунар колледжлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма) / – Т.: Шарқ, 2000. – 112 б.
38. Квинн В. Прикладная психология. – СПб: Издательство “Питер”, 2000. – 560 с.
39. Лихачев Б.Т. Педагогика. Курс лекций. М., Юрайт., 2007, 607 с.
40. Маклаков А.Г. Общая психология: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2008. – 583 с.
41. Майерс Д. Социальная психология / Перев. с англ. – СПб.: Питер, 1999. – 688 с.
42. Мерлин В.С. Структура личности. Характер, способности, самосознание. – Перм, 1990.
43. Моренков Э.Д. Общий обзор строения центральной нервной системы // Хрестоматия по анатомии центральной нервной системы. – М.: РПО, 1998. – С. 6-10.
44. Немов Р.С. Психология: Учебник. – М.: Выс. образ., 2008. – 639 с.
45. Немов Р.С. Психология. Учебник для студентов высш. пед. учеб. заведений: В 3-х т. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2003. – 576 с.
46. Нуркова В.В., Березанская Н.Б. Психология: Учебник. – М.: Высшее образование, 2006. – 484 с.
47. Очилов М., Очилова Н. Олий мактаб педагогикаси. Дарслик. Т., “Алоқачи” нашриёти, 2008 й. 304 б.
48. Подласый И.П. Педагогика. Учебник.- М.: Высшее образование, 2008.- 540 с.
49. Прикладная социальная психология / Под ред. А.Н.Сухова и А.А.Деркача. – М.: Изд-во “Институт практической психологии”; Воронеж: Изд-во НПО “МОДЕК”, 1998. – 688 с.
50. Психология. Учебник / Отв. ред. проф. А.А.Крилов. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд-во: ПРОСПЕКТ (ТК Велби). 2004. – 752 с.
51. Радугин А.А. Педагогика. Учебное пособие. Москва, Изд-во Центр., 2007 г. 272 с.
52. Семенов А.К., Маслова Е.Л. Психология и этика менеджмента и бизнеса: Учебное пособие. – 4-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К?”, 2006.
53. Тихомиров О.К. Психология: Учебник / Под ред. О.В. Гордеевой. – М.: Высшее образование, 2006. – 538 с.
54. Тумасова С.А., Шамхалова С.Ш. Психология: Учебное пособие. – М.: Изд-во РИОР, 2006. – 120 с.
55. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.

56. Фозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.
57. Фозиев Э.Г. Олий мактаб психологияси. – Т.: 1997. – Б. 33.
58. Фозиев Э.Г. Психология. – Т.: 1994.
59. www.expert.psychology.ru
60. www.psycho.all.ru

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Синф раҳбарлари ва амалиётчи психологлар ўқувчи ёши ҳақида нималарни билиши керак?	6
Кичик мактаб ёши даври – мактабга мослашиш ва фаоллашиш давридир.....	6
Ўсмирлик давридаги ўқувчилар психологиясини ўрганамиз	9
Илк ўспиринлик даври касбга йўллашдаги муҳим давр	15
Ўқувчилар билан ўтказиладиган психологик машқ ва тренинглар психологик тренингнинг мақсади ва вазифалари.....	20
Мулоқотчанликни ривожлантирувчи тренинглар	21
Ўқувчиларда хулқ-атвор меъёrlарини шакллантириш машқлари	24
Шахслараро муносабатлар ва низоли вазиятларни ҳал этиш усуллари....	29
Аҳилаштирувчи ўйинлар.....	31
Гурухни жипслаштириш учун ўйинлар	34
Чарchoқни ёзувчи ўйинлар.....	36
Ўқувчиларни яхшиликка ундовчи психологик машқлар.....	38
Ўқувчиларда ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятини ривожлантириш машқлари.....	40
Синф раҳбарлари ва амалиётчи психологларга тавсиялар	44
Ўқувчининг характерини билиш муваффақият калитидир	44
Темперамент ўқувчи ҳатти-ҳаракатини белгиловчи мезон: уни билинг! ..	46
Қобилиятли ўқувчини қидирамиз	51
Ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича тавсиялар	55
Глоссарий – изоҳли лугат	60
Илова	68
Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар	75

**ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГ ВА МАШҚЛАР
ТҮПЛАМИ**
(синф раҳбарлари ва амалиётчи психологлар учун)

Мұхаррир *H.Ниязова*
Сағифаловчы *H.Файзиева*

Босиша рухсат этилди 29.12.2014. Формат 60x84 $\frac{1}{16}$.
Гарнитура Times. Офсет қофози. Ризограф босма усули
Шартли босма табоғи 5,0. Нашр босма табоғи 3,6
Адади 200. Буюртма № 29-12

ООО “IMPRESS MEDIA”.босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шахар. Яккасарой тумани, Қушбеги, 6